Р-90893

Мустақиллик, Тинчлик, Ҳамкорлик

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

Халқ сўзи

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

6 АВГУСТ, ЖУМА. № 153 (648). 1993 йил.

Сотувда эркин нархда.

Ислом КАРИМОВ:

«БИЗ КЕЧАГИ КУНИМИЗДАН ВОЗ КЕЧМАЙ, КЕЛАЖАКНИ КЎЗЛАБ ИШЛАМОҚДАМИЗ»



Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти бу йил январь ойида 55 ёшга тўлди. Ислом Каримов қўш олий маълумотли — Урта Осиё политехника институти билан Тошкент халқ хўжалиги институтини битирган. Иқтисод фанлари номзоди. Меҳнат фаолиятини Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводида мастер ёрдамчиси бўлиб ишлашдан бошлаган. 1966 йилдан бошлаб 17 йил давомида республика Давлат режалаштириш комитетида ишлади. 1983 йилда молия вазири этиб тайинланди. Сўнгра Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари, Давлат режалаштириш комитетининг раиси бўлди. 1986—1989 йилларда Ўзбекистон Компартияси Қашқадарё вилоят комитетининг биринчи котиби бўлиб ишлади. 1989 йилнинг июнь ойида Компартия Марказий Комитетининг биринчи котиби бўлди. Унинг раҳбарлигида Компартия 1991 йилнинг ноябрида қайта тузилиб, мутлақо янги мафкурага асосланган ва янги сиёсат ўтказувчи Ўзбекистон Халқ демократик партиясига айлантирилди. ҲДП таъсис съездида Ислом Каримов унинг раиси этиб сайланди.

1990 йил 24 март куни Олий Кенгашнинг сессиясида собиқ СССР ҳудудидаги иттифоқдош республикалар орасида биринчи бўлиб Президентликка сайланди. 1991 йил 29 декабрда давлат бошлиғи лавозимига муқобиллик асосида ўтказилган сайловда Ислом Каримов овозларнинг аксарият кўпчилигини, овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг 86 фоизидан кўпроғининг овозини олди.

Уйланган. Рафиқаси Татьяна Анбаровна иқтисодиёт институтининг илмий ходими бўлиб ишлайди. Катта қизи турмуш қурган, иккинчи қизи мактабда ўқийди.

— Ислом Абдуғаниевич, «Правда» газетхонлари сиз тўғрингизда тўла тасаввурга эга бўлишлари учун суҳбатимиз дебочасида қисқача таржимаи ҳолингизни келтирдик. Унда ҳозир сиз эслашни хоҳламайдиган сатрлар борми?

— Йўқ. Мен ҳам халқимиз каби олис ва яқин тарихимиз билан ҳақли равишда фахрланишим мумкин. Бу тарих ўз диёри, ўз фарзандлари бахт-саодати йўлида меҳнат қилиш тарихидир. Башарти қандайдир халтоларга йўл қўйилган бўлса, улар айрим кишиларнинг — раҳбарларнинг хатосидир.

Менинг қисқа тарихий ўтмишимга келсак, унда уяладиган ҳеч қандай иш қилмаганман. Компартиянинг юз минглаб аъзолари ҳам кейин пушаймон бўладиган иш қилишмаган. Чунки, аксарият кўпчилик ўз ватанига фақат меҳнат билан катта наф келтиришни ўйлаб, ҳалол меҳнат қилган. Бунинг учун уларни айблашга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Ахир, умуман собиқ Иттифоқни олиб қарайдиган бўлсак, у вақтда чинакамига бошқача фикрловчилар бармоқ билан санарли эди..

Биз ишлаш учун ходимларни танлаётганимизда аввало уларнинг ишчанлик фазилатларини эътиборга оламиз. Ҳалоллик, ватанпарварлик, ватан бахт-саодати йўлида меҳнат қилиш истаги ва кўникмалари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Кўриб турибсизки, бу талабларда «партократлар» ва «демократлар»га ажратадиган ҳеч нарса йўқ.

— Ўртоқ Президент, ижозатингиз билан, шу ўринда ўз мулоҳазаларингиз, шубҳаларингиз тўғрисида ёзиб юборган газетхонлардан бирини эсга оламиз. Унинг мулоҳазалари кўп жиҳатдан бошқалар ёзаётган фикрларга ҳамоҳангдир. Хусусан у бундай ёзади: «Фарзандларимизнинг, рафиқаларимизнинг, ота-оналаримиз ва опа-сингилларимизнинг даҳшатга тушгани учун мен аввало Иттифоқ сиёсий раҳбарларини, сўнгра айрим мустақил давлатларнинг раҳбарларини сира кечирмайман». Сиз республика раҳбариятига қандай пайтда келганингизни эслаб, бу сўзларни бевосита сизга қаратмоқчи эмасмиз. У вақтда ўнлаб одамларнинг ёстиғини қуритган Фарғона водийсидаги даҳшатли фожиа олови бутунлай сўнмаган эди. Дастурий нутқларингиздан бирида сиз «Ўзбекистон Фарғонадаги каби иккинчи фожиага дош бера олмайди, иккинчи Фарғона бўлмайди ҳам», деган эдингиз. Шундан буён фикрингиз ўзгардими?

— Сиз жиддий муаммони тилга олдингиз. Менимча ўша вақтда, чамаси, марказнинг кўрсатмаси билан кўпгина нашрлар, телевидение, радио фожиали воқеаларни юзаки ёритган, бу воқеаларга шовинистик изоҳлар билан ёрлиқ ёпиштириб, фақат «даҳшатли манзаралар»ни тасвирлаш билан чекланган.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ («ДАВАРХИТЕКТҚУРИЛИШ») ҚЎМИТАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Инвестиция фаолиятини бошқаришнинг ташкилий шаклларини такомиллаштириш, қурилиш комплексининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш, янги архитектура ва шаҳарсозлик сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат қурилиш ишлари қўмитаси ҳамда Давлат қурилиш ишлари қўмитаси ҳузуридаги Давлат архитектура ва шаҳарсозлик қўмитаси негизида Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ташкил этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси зиммасига қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш юклатилсин:

инвестиция фаолияти соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш;

архитектура ва қурилиш соҳасида ягона илмий-техника сиёсатини ўтказиш, шаҳарсозлик, архитектура, лойиҳа ва қурилиш фаолияти, давлат нормалари ва стандартлари тизимининг норматив-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

лойиҳалаш, қурилиш ҳамда бинокорлик материаллари ва конструкцияларини ишлаб чиқаришда давлат шаҳарсозлик интизомига, нормалари ва стандартларига риоя этилишини, бинолар ва иншоотлар қуриш сифатини назорат қилиш;

аҳоли истиқомат қиладиган жойларни режалаштириш ва қуришнинг республика ҳамда минтақа схемаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

қурилишнинг техник даражасини ошириш ва саноатлаштириш, ресурсларни тежаш, бинокорлик маҳсулотига нисбатан нарх сиёсатини ўргатиш ва истиқболни белгилашга оид ишларни ташкил этиш, лойиҳалар қайси идорага қарашли эканлигидан қатъи назар уларни давлат экспертизасидан ўтказиш;

хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорликни амалга ошириш.

3. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари вазирликлар, идоралар, концернлар, корпорациялар, уюшмалар, корхоналар (бирлашмалар), муассасалар ва ташкилотлар, маҳаллий бошқарув идоралари, мансабдор шахслар ва фуқаролар ижро этишлари учун мажбурийдир.

4. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси 10 кун муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалаларига доир қарор қабул қилиб, қўмитанинг низоми ва тузилмасини тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 5 август.

ГЕРМАНИЯ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

Қува тумани матлубот жамияти уюшмаси қошида ташкил этилган қандолатчилик фабрикаси Мустақиллик байрами куни биринчи маҳсулотини дастурхонга тортиқ қилади. Фабрика Германиянинг «Клекнер-Хензел» фирмаси билан ҳамкорликда яратадиган карамель цехи маҳсулоти байрам дастурхони кўркига яна кўрк бағишлайди. Барча асбоб-ускуналари Германиядан келтирилган бу цех келажакда соатига 1200 килограммдан карамель қанди ишлаб чиқаради.



СУРАТДА: цех бошлиғи Иброҳим Мадраҳимов, электр ускуналар созловчиси Иброҳим Йўлдошев ва цех устаси Абдулла Қозоқовлар Германиядан келтирилган ускуналар ёнида.

Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН Ватаним маним

«Халқ сўзи» ва Ўз А мухбирлари хабар қиладилар

ЯНГИЛИКЛАР ФАКТЛАР ВОҚЕАЛАР

ТОШКЕНТДА АМЕРИКА УЙИ ОЧИЛАДИ

АМЕРИКА ҳаётининг турли соҳаларига оид ахборотлар, рус, ўзбек ва инглиз тилидаги китоблар шу Уйда мужассамланади.

БУ ЕРДА вақтли матбуот нашрлари, видеотека ва компьютерлар зали ҳам бўлади. Океан орти мамлакатининг қаёти билан қизиқувчи ҳар бир фуқаро учун Америка Уйининг эшиклари ҳамиша очиқ. Унинг директори Тереса Конбой хонимнинг таъкидлашича, инглиз тилини ўқитишга алоҳида эътибор берилади.

ТЎЙ БАХШИСИЗ ЎТМАЙДИ



ҲОЗИР ўзбеклар орасида тўй мавсуми. Сурхон воҳаси томонларда тўйқашамлар бахшиларсиз ўтмайди. Шу боис ўдумбиранинг қулоғи қизиган пайт. Музработлик Абдурашид бахши Эрқулов ҳам шу кунларда тунни тонгга улайдиган достонларни билан йиғинларга файз киритиб юрибди.

ВАЗИРЛИК ПУЛНИ АЯМАДИ

ИШТИХОНДА 120 ўринд-қиз таҳсил оладиган тиббиёт билим юрти очиладиган бўлди.

БИЛИМ юртини битирганлар турли тиббий мутахассисликларнинг эгаси, бўлиб чиқадилар. Шундай билим юрти зарур эканлигини тўғри тушунган Соғлиқни сақлаш вазирлиги 50 миллион сўм, Самарқанд вилояти бошқармаси 20 миллион сўмлик тиббиёт ускуналари ажратадилар.

ПОЛВОНЛАР ПОЛВОНИГА АТАЛГАН СОВРИНЛАР

НУРОТАДА елкаси ерга тегмаган Нажмиддинполвон ва Довутполвонлар соврини учун кураш бошланди.

УЗБЕКИСТОН мустақиллигининг икки йиллигига бағишланган бу мусобақаларга жумҳуриятнинг ҳамма вилоятларидан номдор полвонлар таклиф этилган. Курашнинг қизиқарли ўтиши кутилмоқда. Чунки, голиб полвонларни тақдирлаш учун туман ҳокимлиги 70 минг сўм, «Ғозғон» мармар корхонаси 50 минг сўм пул тикан.

ҚЎЛ ҚОВУШТИРИБ ЎТИРИШМАЯПТИ



ЖИЗЗАХ пластмасса буюмлари заводининг новаторлари пластмасса қувурларини ишлаб чиқаришни уч ярим баравар кўпайтиришди, тогора, челак, ваза, ҳатто лиёла ишлаб чиқаришни ҳам ўзлаштиришди.

СУРАТДА: тажрибали ишчи Зулайҳо Расулова.

«ҒАМХЎРЛИК-93» ДАСТУРИ

ЖОИДОР ТУМАНИ. Муҳтож оилаларни моддий қувватлаш ниятида «Ғамхўрлик—93» дастури ишлаб чиқилди.

ТОМОРҚА олганларнинг аксарияти қурилиш ашёлари тақчиллиги ёки нархнинг юқорилиги туфайли уй қуришга қурби етмаётганди. Яқинда 26 оилага ёрдам кўрсатилди. Уйлаб хонадонларни таъмирлаш, газлаштиришда ҳам кўмаклашиляпти.

ВОҚЕАЛАР

АДОЛАТ—ТАРИХ ҲУКМИ



Озодлик ва эрк мудом инсон орзусию қисмати бўлиб келган. Қуллик, қарамлик занжирлари жиловбанд этганда озодлик орзуга, юртнинг мард ўғлонларию қизлари яланиг қиличу кескир сўз билан майдонга чиққанда у қисматга айланган. Озодликка талпинган инсонни тилидан жудо қилинганда унинг дили эри деб сўйлайверган. Инсонни азалда бебаҳо айлангандек ҳам, уни юрт сарҳадларидан қувғин қилганларида ҳам бир сиқим юрт тупроғи унга жисму жаҳон бўлиб қолаверди. Масжидлару моҳоробларга ўт кетганда ҳам ватан истиқлолию истиқболи ҳаққига дуолар, нияту тилаклар ёғилиб турди.

1991 йил 1 сентябрь миллатимиз ва Ўзбекистонимиз тақдирида янги кун, янги ҳаёт, янги қисмат бўлиб туғилди. Юртимиз узра озодлик туғроси ҳилпирай бошлади. Бир асрдан ортиқ асир этган қуллик қафаслари барбод бўлди. Ўзбекистоннинг олтинидан тортиб даштидаги гиёҳгача шу тупроқ одамларининг мулкига айланди. Халқимизга маънавий устуналаримиз мададкор бўлди. Мустақиллик йўлимизни буюк аждодларимиз руҳи покларини чароғон қилди.

Озод юртнинг илк қадамлари машаққатли бўлди. Жуда катта бойликлардан маҳрум бўлган, кўзини фақат тупроқдан тўйдира оладиган очкўз ганимларимиз ватанимиз бошига уза туҳмату ғийбат тошларини соча бошлади. Дунёримизни халқаро жамоатчилик кўз олдида обрўсизлантириш, Ўзбекистонни авторитар давлат қилиб кўрсатиш — уларнинг бош мақсади эди. Аммо, ганимларимиз ўзлари қазиган чоҳга ўзлари қуладилар. Вақтнинг буюк қудрати яна ўз кучини намойиш қилди. Ҳар ким ўз ниятига яраша ўз улушию баҳосини олди.

Айни дамлар бизни Ўзбекистон мустақиллигининг иккинчи йили нишонланадиган кунлар томон етаклаётган бугун кўп нарса ҳақида сўз юритиб, фикр қилиш мумкин. Эндиликда жамиятимиз йўл бошидаги одамга эмас, аниқ манзил томон одимлаётган катта карвонга ўхшайди. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» деганда юртбошимиз «Ўзбекистон—келажаги буюк давлат» бўлишига нурли умид билдирди. Халқ бу гоя, ана шу қутлуғ ният орқасидан эргашди. Ёт эллардан ёлаётган тоши енгил, алдамчи эпкинларга учмади.

Табаррук аёём арафасида босиб ўтилган манзил сарҳисоб этилар экан, биз кўпроқ ибратталаб ишлар билан бир қаторда идрокталаб юмушлар хусусида ҳам ўй суришимиз лозим. Адабиётимиз сарвари Абдулла Қодирий ёзганларидек, «Мозийга қайтиб иш кўриш хайрли дейдилар». Ўтган қисқа фурсат авлодлар онгу шуурини бир қадар ўзгартириб, гоҳ нурсиз, гоҳ умидли кунларга ошно этди. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг қийинчиликлари деҳқону ишчининг гарданига оғир юк ташлаган бўлса-да, ҳукуматнинг кучли ижтимоий сиёсати туфайли қадди дол бўлиб қолмади. Кўчадаги оддий суврфурушнинг димоғию дағдағасидан от ҳуркa бошлаган бир пайтда Президентимиз мафия илдизига болта уриб, босар-тусарини билмай қолганларнинг ҳовурини пасайтириб қўйди. Замоннинг зайли энди шу йўналишда ривож топади деб, халқ турмушидаги қийинчилигу муаммолар орқасидан текин бойлик орттирган ғаламислар бугун қон қусмоқдалар. Юртда адолат мезонлари қарор топмоқда. Инсоннинг қадр-қиммати ҳар нарсадан баланд қўйилмоқда.



Инсон ҳуқуқлари ҳақида баҳс кетганда аввал одамнинг ҳаётда яшаш ҳуқуқи биринчи ўринда турмоғи керак. Марказий Осиёдаги тинчлик ва осойишталиқни кўролмаётган ғанимларимиз бизда ва айниқса қўшни Тожикистонда инсон ҳуқуқлари бузилмоқда, деб уйдирма тарқатмоқдалар. Уларнинг ниятн соф, самимий бўлганда Тожикистонда ўтган йил май ойидан декабргача давом этган ҳунрезликлар пайтида, одамларни яшаш ҳуқуқидан маҳрум этаётганликларида бутун жаҳон афкор оммаси диққатини қон тўкилишини тўхтатишга қаратган бўлур эдилар. Афсуски, Ўзбекистон ва бошқа қўни-қўшниларнинг жонкуярлиги туфайли Тожикистонда тинчлик қарор топаётган бир пайтда уларнинг эсига инсон ҳуқуқлари тушиб қолди. «Инсон ҳуқуқлари» масаласи ортида аслида бошқа ниятлар борлиги бугунги кунда энг демократик миллатга ҳам, ёки Африқонинг тропик ўрмонларида ҳали ибтидоий аҳволдан чиқа олмаган номаълум қабилаларга ҳам беш қўлдай аён.

Ўз мустақил сиёсатини ўтказиш ҳаракатида бўлган бирор-бир ёш давлатга ҳеч қачон осон бўлмаган. Дунёдаги госнёсий, демографик ва иқтисодий жараёнлари жиловини қўлда сақлаб туришга интилган кучларнинг бош мақсади ҳамиша энди оёққа тураётган мамлакатларни ўз таъсир доираларида ушлаб туриш бўлган. Бу йўлда улар иқтисодий, сиёсий чоралардан ҳам, мухолифат кучлардан ҳам турли йўллар билан фойдаланишган. Аммо кураш кўпинча ғирром усуллар билан олиб борилган. Жаҳон миқёсида ўз йўли ва ўз сўзига эга бўлаётган Ўзбекистон ҳам ғаниларнинг нотанти ҳуружига дучор бўлмоқда. Елғон ва уйдирмаларни қурол қилиб олган бу кучларни муқаррар мағлубият кутмоқда. Тарих ҳукми бошқача бўлиши мумкин эмас. Зеро, таъбир жоиз бўлса, Адолат тоғига ёлғончилик, сотқинлик зинналари билан чиқиб бўлмайди. Мабодо шундай йўл ихтиёр этилса унинг интиҳоси ҳалокатдир.

Келажакка умид боғлаш инсоннинг азалий одатидир. Бугун юртимиз фуқаролари эртанги кунга ёруғ бир ишонч билан боқмоқдалар. Биз кўзлаган манзил эртакларлардаги ҳаёлий ёруғлик эмас, ватанимиздаги осойишталик, аҳиллик ва бунёдкорона меҳнат туфайли тобора равшан тортаётган ҳаёт ҳақиқатидир. Мустақиллик карвонимиз забт этадиган бу манзил нурли бўлишига ишонамиз.

Жалолиддин САФО.

ЯНГИЛИКЛАР ФАКТЛАР ВОҚЕАЛАР

«Биз кечаги кунимиздан воз кечмай, келажакни кўзлаб ишламоқдамиз»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳолбуки, фожианинг манбалари ва сабаблари анча теранроқ эди. Ижтимоий-иқтисодий муаммолар тўпланиб қолган, улар йиллар давомида ҳал этилмай келарди. Мисол учун қишлоқ аҳолисининг аҳволига назар ташлайлик — улар аҳолисининг ярмидан кўпроғини ташкил этади — бир қарич ерда бир неча авлод яшар эди. Бир йилда уч марта ҳосил бера оладиган сахий заминда яшаётган одамларнинг қашшоқлашиб кетгани, миллий анъаналар ва турмуш тарзининг камситилиши, баъзи жойларда эса бутунлай таъқиб остита олиниши, пахта якка ҳокимлигининг шу пахтани етиштирувчи деҳқоннинг ўзи зарур миқдорда даромад ололмайдиган даражага етиши ҳисобга олинса, бу фожиали воқеалар қандай шароитда юз бергани равшан бўлади. Ахир, бу ижтимоий ғалаён учун сабаб эмасми?! Ўшанда уй қуриш ва томорқа учун ер участкаларини ажратиб бериш тўғрисида биз қабул қилган қарор вазиятни кўп жиҳатдан изга солди. 1989 йилдан бошлаб қишлоқларда одамларга ярим миллион гектардан кўпроқ ер ажратиб берилди. Суғориладиган энг яхши ерлар ажратиб берилганини алоҳида таъкидлашни истардим. Бир неча миллион оила уй қуриб, ўз ерида деҳқончилик қила бошлади. Ана шу ерларда етиштирилган маҳсулотнинг ортиқчаси бозорга келтирила бошланди.

— «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобингизда ислоҳотларнинг Ўзбекистондаги моделининг ўзига хос, энг муҳим қоидаларини батафсил баён қилгансиз. Уларни «Правда» газетхонлари учун қисқача тавсифлаб беролмайсизми?

— Биринчи қоида — иқтисодиётни мафкурадан холи қилиш. Иқтисодиёт ҳамиша снёсатдан юқори туриши лозим. Иккинчиси — янги жамият қуриш даврида, айниқса ўтиш босқичида давлат иқтисодиётни бошқариш жиловини қўлдан бермаслиги зарур; у асосий ислоҳотчи бўлиб қолиши лозим. Қонун ҳамма нарсадан устун бўлиши керак — бу учинчидан. Тўртинчидан, республиканинг нуфус, тарихий, маданий хусусиятларини албатта ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий снёсатни ўтказиш, аҳолининг камбағал табақаларини, қариялар ва болаларни ҳимоя қилиш лозим. Бешинчидан, ислоҳот шошилмай, босқичма-босқич ўтказилиши керак. Бозор иқтисодиёти йўлига ўтиш — қуруқ намойиш эмас, балки биринчи навбатда аҳолининг арзигулик бадавлат турмушини таъминлаш воситасидир. Биз ҳали янги уйни қурмай туриб, ўзимиз ўсиб улғайган ва яшаётган эски уйни бузиб ташлашга ҳожат йўқ, деб ҳисоблаймиз.

Биз ўз тараққиёт йўлимизни танлаб олар эканмиз, халқимиз собиқ Иттифоқнинг бошқа мамлакатлари халқлари билан ҳаммамизнинг умумий мақсадимиз бўлган маърифатли, ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиёти ва демократия камолга етган манзилда учрашишига умид боғлаймиз.

Биз мақсадга ижтимоий ларзаларсиз, тартибсизликларсиз, одамлар қашшоқлашмаган, давлатчилик ва қонунийлик бузилмаган ҳолда эришишни истаймиз ва эришамиз ҳам — мен бунга аминман.

— Афсуски, собиқ СССРнинг турли минтақаларидаги барча газетхонларимиз ҳам келажакка бу қадар ишонч билан қарашмаяпти.

— Менинг эса ишончим комил. Шу ишонч бўлмаганда эди, мен тарихимизнинг шу бурилиш палласида мамлакатимиз тақдири, халқимиз тақдири учун буюк масъулиятни зиммамга олмаган бўлардим.

— Сиз ҳозир МДҲ доирасида тарих ҳам мустаҳкамроқ ҳамкорлик қилишнинг ижчил тарафдорларидан бири ҳисобланасиз. Бу — касби иқтисодчи бўлган одамнинг пухта ўйлаб тутган йўлими ёки бу ерда снёсий мақсадлар ҳам борми?

— Биринчи комилки, кўп ташвишларимиз одамларнинг ўзидир «снёсатчилар» ва «иқтисодчилар»га ажратиш оқибатида юз бермоқда. Ҳозирги пайтда снёсат билан иқтисодиёт муаммолари чамбарчас боғланган. Қандайдир бир дақиқали снёсий мақсадлар йўлида иқтисодиёт қурбон қилинса борми, бунинг натижаси яққол кўзга ташланиб қолади. Шахсан мен ҳар бир қадамининг қандай иқтисодий оқибатларга олиб келишини ҳисобга олмайдиган снёсатчи билан ишлашим қийин. МДҲ доирасида биз қабул қилаётган қарорларнинг самарасизлигини, менимча, иқтисодий тараққиёт қонунлари билан снёсатнинг ҳамоҳанг эмаслигида деб изоҳлаш мумкин. Ҳа, халқларимизнинг манфаати ҳозир иқтисодий жиҳатдан бирлашишни ва бевосита хўжалик алоқаларни сақлаб қолишни тақозо этмоқда. Лекин бунда бирон томон зўравонлик қилмаслиги керак.

— Шу йилнинг январида Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатларининг янги ҳамжамиятини тузиш ташаббускори бўлганининг сабаби ҳам шунда эмасми? Бу ташаббус республикангиз ана шундай ҳамжамиятдан бошқа қўшниларга нисбатан кўпроқ манфаатдорлигини билдирадими?

— Раҳбарлари менинг таклифимни қабул қилиб, муҳим масалаларни муҳокама этиш учун Тошкентга келган бошқа мамлакатларга нисбатан манфаатдорлигимиз кам ҳам, кўп ҳам эмас. Тўғри, Ўзбекистон ўзининг жуғрофий-снёсий аҳволига кўра, минтақадаги барча давлатлар билан чегарадош бўлган Марказий Осиёнинг юраги сифатида барча саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришдан манфаатдор, албатта. Халқимизда «қўшнинг тинч — ўзинг тинч» деган нақл бор. Ўзбекистоннинг жуғрофий-снёсий мавқеи туфайли унинг аҳолиси янги қўшни давлатларда юз бераётган воқеаларни ҳис этиб турибди. Мисол учун Тожикистондаги қонли фуқаролар урушини олиб кўрайлик. Унда ўн минглаб кишилар ҳалок бўлди ёки бошпанасиз қолди. Ахир, Ўзбекистонда шу одамлардан кўпларининг қариндошлари бор. Ёки бўлмаса, бошқа қўшни республикада кутилмаганда жорий этилган валютани олиб кўрайлик. Шу республика билан чегарадош вилоятларимизга ўша республикада қабул қилиш тўхтатиб қўйилган Россия рубллари оқиб кела бошлади. Бунинг оқибатида бозорларимизда нархнаво бирдан ошиб кетди. Биз жавоб чораларини кўришга мажбур бўлдик. Назаримда ҳамма иллат шундаки, МДҲда калтабинлик билан фақат ўз манфаатини ўйлаш кайфияти кучайиб бормоқда. Ҳар ким ўзини қутқаришга ҳаракат қиляпти. Қабул қилинаётган қарорлар эса, қоғозда қолиб кетмоқда.

— Сиз дунё бўйлаб қўл чўзиб юрмаслигингизни бир неча бор айтгансиз. Бу республика хорижий ёрдамдан воз кечиб, фақат ўз кучига ишонишни билдирадими?

— Ҳа, биз ёрдам сўраб ялинмаймиз, лекин самимийлик, ҳалоллик ва ўзаро манфаатдорлик ниятлари билан бериладиган ёрдамни рад этмаймиз. Бошқача қилиб айтганда, биз қўлимизни бошқаларга ёрдам сўраб эмас, қўлни-қўлга бериб, тенглик асосида ва ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиш учун узатамиз. Оллоҳга шукрки, ўлкамизнинг одамлари меҳнатсевар, замнниимиз қаърида хазиналар кўп. Ўзбекистон пахта етиштириш жиҳатидан жаҳонда 3—4-ўринда туриши, олтин ва бошқа қимматли металлар қазиб чиқаришда дастлабки ўн давлат қаторига кириши ҳеч ким учун сир эмас. Республика газ ҳамда унинг технологик қайта ишланган маҳсулотлари билан ҳам ўзини таъминлаяпти, ҳам четга чиқаряпти. Келгусида биз ўзимизни нефть билан таъминлабгина қолмай, уни чет давлатларга ҳам сотамиз.

Эски, самарасиз ва мафкуралаштирилган иқтисодий тизимнинг, Ўзбекистон собиқ марказнинг хомашё билан таъминлайдиган ўсимтаси сифатида бир томонлама ривожланганининг оқибатлари республикада ҳали анча вақтгача сезилиб туришини яхши тушунамиз. Ҳозиргача халқ хўжалигининг деярли барча тармоқларида номукаммал технологияли ишлаб чиқариш етакчи ўринни эгаллаб келган. Гарчи сўнгги йилларда маълум ютуқларга эришган бўлсак-да, ишлаб чиқаришнинг тайёр маҳсулот чиқарадиган бўғинлари ҳали ҳам камқувват ҳисобланади.

Улкан хомашё ресурсларини тайёр маҳсулотга айлантириш, уни сақлаш, қайта ишлаш ва сотишни йўлга қўйиш учун, афсуски, Ўзбекистон ҳозирги зарур қувватларга ва замонавий технологияга эга эмас. Ҳисоб-китоблар мамлакатдаги мавжуд хомашё ва ним тайёр маҳсулотларни қайта ишлашни ташкил эта олсак, ялпи миллий маҳсулот икки баравар кўпайишини, миллий даромад эса тахминан уч баравар ортишини кўрсатяпти. Бу — иқтисодий тараққиётимизнинг бош йўлидир.

Биздаги аниқланган бой маъдан хомашё заҳиралари, ходимларимиз салоҳияти, меҳнат ресурслари хорижий компанияларда жиддий қизиқиш уйғотмоқда. Улар бу заҳиралардан фойдаланиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун ўзаро манфаатли шартлар билан сармоя солишга тайёрдирлар. Ҳозирнинг ўзидаёқ бир қанча қўшма корхоналар тузилди ва улар ишлаб турибди. «Мерседес-Бенц», «Сименс», «ДЭУ» каби ва бошқа жуда кўп жаҳонга машҳур бўлган компаниялар мамлакатимизда мустаҳкам ва узоқ муддатга ўрнашишмоқда.

Республикамиз хорижий сармояларни фақат бой ресурслари билангина эмас, ижтимоий-снёсий вазиятнинг барқарорлиги, амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг изчиллиги, қонунда хорижий ишбилармонлар учун кўзда тутилган катта имтиёзлар ва кафолатлар билан ҳам ўзига жалб этмоқда.

— Республикада сўз эркинлиги йўқ, мухолифатдан ўч олинмоқда, собиқ марказий нашрлардаги айрим мақолаларга қарши маҳаллий матбуотда ёппасига ҳужум қилинмоқда, деб шахсан сизни тоталитаризмни қайта тиклашда айблашмоқда. Бу фикрларни рад эта оласизми?

— Саволга қараганда, сизлар ҳам собиқ «асосий» газеталарнинг шуҳратпарастлигидан қутилмаганга ўхшайсизлар. Чунки, далил-исботсиз айб қўйиш, аввалгидек қандай яшашни ўргатиш, ннятини яхши ниқобламай танқид қилиш — «мендай фикр ёки иш қилмасанг, демак, сен айбдорсан», деган эски ақиданинг кўринишларидир. Бу эса кўпинча янги Мустақил давлатдаги ҳақиқий вазиятни холисона тушуниб етишга тўсқинлик қилади. Одатда таҳририятдаги ишхонадан ташқарига чиқмай туриб, айрим кучлар катта ҳақ тўлаган ижтимоий буюртмага мувофиқ энг катта «умумлаштиришлар» ва «хулосалар» чиқарадилар. Баъзан яхши ниқобланмаган «бирдан-бир ҳақиқий эътиқод»га тобе қилиш истаги билан шундай қилинади. Мен бир ҳақиқатни таъкидламоқчиман. Бу ҳақиқатга кўра, ҳар бир халқ ва ҳар бир мустақил давлат ўз андозалари ва қонунларига мувофиқ яшашга ҳақлидир. Бизнинг энг талабчан халқаро экспертизадан ўтган ўз Конституциямиз бор. Биз шу Конституцияга мувофиқ яшаймиз ва меҳнат қиламиз.

— Баъзан сизни кучли ҳокимият тарафдори дейишади...

— Диктатор ҳам дейишади. Бошқа «баҳо»лар ҳам бор. Буларнинг ҳаммаси снёсий ёки бошқа мақсадларни кўзлаб, шундай баҳо қўяётган кишиларнинг виждонига ҳавола. Бир нарсани айтиб қўяй: мен қонун, айниқса, ҳозирги мураккаб ўтиш даврида, ҳамма жойда ва ҳамма нарсадан устун туриши керак деган қоидага амал қиламан. Бунинг аксини кўрсатувчи мисолларни келтириб ўтирмайман. Улар ҳамманинг кўз олдида турибди. Яна бир масала: мени қўллаб-қувватлаётган одамларнинг (улар мени қўллаб-қувватлаётган лариганинг аминман) осойишталиги ва барқарорлиги учун ҳар қандай ишни қилишга тайёрман.

— Ислом Абдуғаниевич, суҳбат учун раҳмат. «Правда» газетхонларига қандай истакларингиз бор?

— Билишимча, нарх-навонинг ошиши, пулнинг қадрсизланиши оқибатида ҳозир энг содиқ газетхонларингизгина газетага обуна бўлишяпти. Уларга ўз халқимга тилаганимдек яхшилик, тинчлик, фаровонлик тилайман. Қийин даврлар тез ўтиб кетади, деб умид қиламан. Миллатидан қатъий назар, сабр-бардоши ва келажакка ишончи учун ватандошларимдан жуда миннатдорман.

Одилбек ҚАИПБЕРГЕНОВ,

Геннадий СЕЛЕЗНЁВ.

Тошкент шаҳри.

(«ПРАВДА»нинг 1993 йил 5 август сонидан олинди).

Эшитмадим демангиз

КУРК БЎЛГАН... МУШУК

ТАТАРИСТОННИНГ Заинск тумани марказидаги оилалардан бирининг Мурзиика лақабли мушуги йўқолиб қолди.

БИР НЕЧА кун давом этган қидирув натижа бермади. «Жабрдийда»лар маҳаллий газетага эълон берамиз деб туришгаида мушук топилиб қолди. У товуқхонада... тухум босиб ётган экан.

Уй бекаси ҳарчанд уринмасин, мушук товуқхонани тарк этишни истамас, зўр бериб қаршилик кўрсатарди. Бир парча ҳом гўшт бериб, ўрнидан қўзғатишга муваффақ бўлишди-ю, бироқ оч қолган мушук луқмани икки ямлаб бир ютди-да, яна тухумлар устига ётиб олди. Энди у тухумдан жўжа очмагунича, ўрнидан турмаса керак.

КЕРАКЛИ ТОШНИНГ ОҒИРЛИГИ ЙЎҚ

ПЕРМЬ аэропортида милицня ходимлари Озарбойжон фуқароси Н.ни шубҳа билан тўхтатишди.

МАЪЛУМ бўлишича, у вазни 6,5 килоли олтин суви юритилган эски соатлар, оддий металлардан ясалган ҳар хил тақинчоқларни тегишли ҳужжатларсиз олиб чиқиб кетмоқчи бўлган. Бу эски-тускилар учун Н. юк қийматининг 600 фоизи миқдорида, яъни ярим миллион сўмдан кўпроқ бож тўлаши керак экан. Буни қарангки, Н. бу пулни киприк қоқмай тўлади. Ҳар ҳолда у анойилардан бўлмаса керак.

ҚАРОҚЧИ... ҚАРҒАЛАР

НИЖНИЙ НОВГОРОДдаги «Красное Сормова» заводи қоровули қарғалар тўдаси ҳужумидан сўнг шундай аҳволга тушдики, поликлиникага бормасликнинг иложи қолмади.

ҚАРҒАЛАРНИНГ одамларга ҳужум қилиши мумкинлиги ҳақида ҳозиргача бирор аниқ маълумот йўқ. Шунинг учун бўлса керак, бутазор ёнидан хотиржам ўтиб келаётган аёл қарғаларнинг кутилмаганда устига ёпирилиб келишидан гангиб қолди. Нимадандир ғазабланган жониворлар бечора аёлни кўз очиргани қўймай, қанотлари билан савалаб, бор кучлари билан чўқишга тушдилар.

Бундан кейин ҳам бирор кор-ҳол бўлиб юрмасин дея «қароқчи» қарғаларни отиб ташлашга қарор қилинди. Аммо, уларнинг нимадан «жаҳлилари чиққанлиги» мавҳумлигича қолди.

ПУКАК ОСТИГА ЯШИРИНГАН АЖАЛ

НАХОДКАДА йил бошидан буён 77 киши спиртли ичимликдан заҳарланиб, оламдан бевақт кўз юмди.

МАҲАЛЛИЙ «ишбилармон»лар махфий лабораторияларда шундай заҳри қотилларни тайёрлаб, арақ ўрнида пулламоқдаларки, уни ичганларнинг кўпчилиги тил тортмай ўлиши мумкин. Омон қолганлари эса бир умр ногиронга айланади.

«Постфактум» агентлигининг хабарига кўра, хориждаи келтирилган айрим спиртли ичимликлар ҳам ўша 77 марҳумнинг умрига зомин бўлган бўлса ажаб эмас.

ЭНДИ ДАВЛАТ ҲАМ... АЛИМЕНТ ОЛАДИ

БОШҚИРДИСТОН етимхоналарида тарбияланаётган болалардан 90 фоизининг ота-оналари ҳаёт.

БУ НОХУШ статистикани ҳисобга олган халқ нойбари Олий Кенгашнинг охирги сессиясида «Оилани, оналикни, оталикни, болаликни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунга қўшимча банд киритдилар. Энди болаларини тирик етим қилган ота-оналар уларни боқиш учун давлат тасарруфидаги болалар муассасаларига алимент тўлайдилар.

НОМ ЧИҚАРИШ УЧУН НИМАЛАР ҚИЛИШМАЙДИ

БИР ГУРУҲ ашаддий мотоциклчи Гиннеснинг рекордлар китобига ёзилиш учун машаққатли курашни давом эттирмоқда.

НОМ чиқаришнинг шартн шундай: 38,5 минг километрли масофани тўхтовсиз босиб ўтиш керак. Бу оғир ишга бел боғлаган уч киши ҳамма қийинчиликларга бардош беришяпти. Йўлакай мотоцикларнинг ишдан чиққан қисмларини тез-тез алмаштиришга тўғри келаётгани ҳам уларнинг шаштини қайтара олмади.

ЭР-ХОТИН АЖРАЛИШИБ, ИТГА ЖАБР БЎЛДИ

ЭР—ўз қишлоғи Крнушада қолди, хотини қўшни Покров қишлоғига кўчиб ўтиб, итни ҳам ўзи билан олиб келди.

ҲАММА ҳангома шундан сўнг бошланди. Нима бўлганини тушунмаган ит ўшандан бери икки қишлоқ орасида бўзчининг мокисидек қатнайди. Ораси яқин бўлса кошки эди — уч чақирим. Бир кун эрникида, бир кун хотинникида тунайди.

Қарангки, итнинг юраги иккига бўлинмас экан!

СТУДЕНТ ЧОЛ ДИПЛОМ ОЛДИ

МОСКВА энергетика институтининг Қозондаги бўлимида пенсияга чиққанига етти йил бўлган электрик диплом ишини «яхши» баҳога ёқлади.

КЎП йиллардан бери олий маълумотли бўлишни орзу қилиб келган бу электрик кейинги 25 йил давомида бир нечта олий ўқув юртида омадини синади. Энди дипломи унга иш берадими, йўқми, аммо чол ўзида йўқ хурсанд, чунки унинг ўғиллари Қозондаги институтларда ўқишмоқда. «Ёш мутахассис» пенсионер бўлишига қарамай, бургилаш ишлари бошқармасида электрик бўлиб ишлашни давом эттирмоқда.

ГАЗЕТА УҚИНГ, СЎКИШНИ ТАШЛАЙСИЗ

«ХОТИНИМнинг жаҳи очиқлиги жонимдан тўйдириб юборган эди», дея ҳикоя қилади лучегорсклик Н.

ВЕЧОРА эрнинг хотинининг «хўрмача қилиги»га қарши қўлланмаган аъмоли қолмади. Нима бўлдию бу йил «Труд» газетасига обуна бўлди. Хотинига бу газета ёқиб қолди. Орадан ярим йилча ўтгач, мўъжиза юз берди: аёл инсофга келиб, оғзида шалоқ сўзлар чиқмайдиган бўлиб қолди. Бундан ғоят кулоғида эр ҳамма сўконғичларга газета ўқишни маслаҳат бериб юрибди.

• *Президент девонига мактублар*

ЯХШИЛИК ҚИЛГАН ЕТАР МУРОДГА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг номига жумҳуриятимизнинг шаҳар-қишлоқларидан ҳар куни юзлаб мактублар келмоқда. Уларда турли-тумаи мавзулар қаламга олинади. Кишилар ўлкамизда олиб борилаётган тинчлик ва ҳамжиҳатлик снёсати учун ташаккур изҳор этадилар, ижтимоий жараёнлар ҳақида фикр-мулоҳаза билдирадилар, бошларига тушган муаммолар хусусида ошкора сўзлаб, юртбошимиздан кўмак ва маслаҳат истайдилар. Бу хат ва номаларнинг бирортаси ҳам эътибордан четда қолмайди — тегишли тарзда жавоб-муомала қилинади.

Эътиборга сазовор жиҳати шундаки, мактуб эгалари орасида эл дардига дардкаш бўлишга интилаётган юртпарвар, савобталаб инсонлар аксарият кўпчиликни ташкил этади.

Ассалому алайкум, ҳурматли Ислом ака!

Мен Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани, Охунбобоев номидаги жамоа хўжалигида аъзосиман. Шу жамоа хўжалиги ҳудудида 1992 йилда тикувчилик ва гилам тўқиш ферма ташкил этган эдим. Ҳозирги кунда 20 нафар киши меҳнат қилаяпти, имконият борича корхонани кенгайтириш чораларини кўряпмиз.

Сиз давлат раҳбари сифатида кўп ишларни амалга оширяпсиз, буни кундалик фаолиятингиз мисолида ҳам кўриб-билиб турибмиз. Бир оилани бошқариш ҳам мушкул бўлган шу пайтда бутун бошли жумҳуриятга етакчилик қилишнинг ўзи бўлмайди. Тўрт томонимизда ҳар хил низолар рўй бераётган дамларда, ўзингиз айтганингиздек, асосий бойлигимиз — тинчлик, барқарорликни таъминлаш сиздан озмунча куч-ғайрат талаб этаётганини йўқ.

Мен оддий колхозчи оиласида туғилганман. Ота-онам ҳам деҳқончилик билан шуғулланишган, ҳозирги кунда улар нафақахўр. Оилада тўнғич фарзандман, маълумотим — махсус ўрта, лекин снёсатга жуда қизиқаман. Шунинг учун бўлса керак, ҳамма жумҳуриятлар раҳбарларининг йиғинларида сўзлашларини сизга таққослаб кўраман. Сиздаги фикр теранлиги менга айниқса маъқул.

Шулар ҳақида ўйлаб туриб, ўзимга ўзим савол бераман: мустақил жумҳуриятда тинчликни сақлаш, халқни ҳар томонлама ҳимоя қилиш фақат давлат раҳбарининг иши эмаску. Юртбоши кўрсатган, бошлаб берган ишни ҳамжиҳатлик билан давом эттирсак, республика истиқболи учун хизмат қилсак ҳаётимиз бундан ҳам яхшироқ бўлмайдими? Менинг шахсий мақсадим, бойлик орттириш, кошона қуриш эмас, одамларга қўлимдан келганича яхшилик қилиш, улардан дуо олиш.

Сиз жумҳуриятимизнинг кўп жойларида бўлиб, муҳтож кишиларга ёрдам, совға-саломлар бериб келасиз. Буларни кўриб-эшитиб одамнинг қувонмай иложи йўқ, чунки бундай мурувват кўрсатиш ўлкамизда тобора оммалашиб бормоқда.

Ҳадемай, жумҳуриятимиз мустақиллигининг икки йиллигини нишонлаймиз. Бу табаррук санага ҳар ким ҳар хил ҳозирлик кўрмоқда. Фирмамиз ҳам ана шу айём муносабати билан бироз маблағ ажратди. Байрам куни дунёга келган чақалоқларга ўн минг сўмдан, ўғли Чернобиль фожиаси туфайли вафот этгандан кейин икки кўзи ҳам ожиз бўлиб қолган Норқул бобо Ғаффоровга 30 минг сўм, 20 ёшида вафот этган колхозчи аёлнинг фарзанди Асаджон номига (байрам куни у уч ёшга тўлади ва суннат тўйи қилинади) жамғарма банкидан ҳисоб дафтарчаси очиб 25 минг сўм, Ҳақбердиева опамизга битта гилам, колхоз ишлаб чиқаришида фаол қатнашган механизатор, ҳозирги кунда қаровчиси бўлмаган Оллоберган ака Қурбоновга 30 минг сўмлик совға-саломлар топшириш ниятимиз бор. Шу ишларни амалга ошириб одамларнинг дардига озгина бўлса ҳам шерик бўлолсак, ўзимизни бахтиёр ҳис қилган бўлардик.

Сизга ва раҳбарларимизнинг ҳаммасига сиҳат-саломатлик, куч-қувват, узоқ умр тилайман, деб ҳурмат билан

Ибодулла ҚОЗОҚОВ.



Боғдод туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги пахтакорлари бу йил 1048 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан режадаги 30,2 ўрнига 35 центнердан ҳосил йиғиб олиш учун курашмоқдалар.

СУРАТДА: хўжалик бош муҳандиси Эргашали Тўрақулов ва механизатор Холматжон Қодиров.

Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

САМИМИЙ МИННАТДОРЧИЛИК ИЗҲОР ЭТАМАН

Ҳурматли Ислом ака Каримов!

Менинг ижодий юбилейим Сир қирғоғида жойлашган сўлим Хўжанд ва кўҳна Самарқанд шаҳарларида бўлиб ўтди. Шундай бир оғир ва таҳликали пайтда бу маъракаларни қўллаб-қувватлаганингиздан бошим кўкларга етди.

Қадимий Хўжанд, кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд заминн юбилей кунларида олийқадр меҳмонлар ва мухлислар қадамидан ўзгача тароват ва файз топган эди. Дўстлик ва якдиллик рамзига айланган бу қўшиқ ва наво базми бизга куч-қудрат, илҳом ва имон бахш этди.

Биз ижодкорлар ҳамиша халқ хизматида бўлиб унинг олқишу эътирофидан мамнун бўлмоғимиз даркор. Ва бизнинг ҳар соат ва ҳар кунимиз халқ фаровғати, тинчлиги, осойишталиги ва яратувчилиги йўлида сарфланмоғи лозим.

Шу фурсатдан фойдаланиб Сиз фозил, бағри кенг, олийқадр ва юксак обрў-эътиборга эга раҳбарга ва Сиз орқали бутун азиз меҳмонлар, мухлислар, шаҳар ва вилоят раҳбарларига бу қўшиқ ва наво байрамнга ташрнф буюриб, базмимизни чароғон айлантирганликлари учун самнмий миннатдорчилигимни изҳор этаман.

Истардимки, зафар Сизга ҳамиша ёр бўлсин, мамлакатингиз обод, тан-жонингиз соғ бўлсин, худо Сизни ҳамиша ўз паноҳида асрасин.

Камоли эҳтиром ва самимият ила

Ҳожи Жўрабек МУРОДОВ,
халқ артисти.

Хўжанд.

КУЧ БИРЛИКДА, ҲАМЖИҲАТЛИКДА

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич! Худога минг қатла шукрки, элларимиз тутқунлик сиртмоғидан халос бўлиб, истиқлол нашидасидан бахраманд бўлмоқда. Эркимиз ўз қўлимизда, озод мамлакатларнинг озод фуқароларимиз. Аиа шундай бир пайтда тили, дини бир Марказий Осиё халқларининг ақил ва ҳамжиҳат бўлиши, якдиллиги ниҳоятда зарур. Зеро, ота-боболаримиз ҳам дўсту биродарликни доимо улуғлаб келганлар. Шу аснода сиз юртбошиларимизнинг маслаҳатли тўй тарқамас қабилида иш юритаётганликларингиздан бошим осмонга етади. Бунда сизнинг муносиб хизматингиз бор, албатта.

Шубҳасиз жумҳуриятларимизнинг истиқболи беш мамлакат халқларининг бир ёқадан бош чиқариб қадрдонлашуви, бир-бирини қўллаб-қувватлашга боғлиқ. Бу йўлда Сизларга муваффақият тилайман.

Акбарали МАМАЙҚУЛОВ,

нафақахўр, Қирғизистон Республикасининг Жалолобод вилояти.

ФАЗИЛАТЛИ ОДАМЛАР ОРАСИДА

АГАР ОШИҚЛИГИМ АЙТСАМ...

Аҳмад аканинг нафақа ёшига чиққанига икки йил бўлди. Домла энди шеър ёзишни йиғиштириб, масжидга қатнаса керак, деб ўйладим. Аммо, Аҳмад ака масжидга ҳам бормади, пенсияга ҳам чиқмади. Аксинча, шиддат билан шеър ёза бошлади. Кўпчилик Аҳмад акаининг шеър ёзишини шунчаки ҳавас деб юрарди. Йўқ, ҳавас бошқа, ишқ бошқа экан. Домланинг қалбига чинакам ишқ тушган эди. Аҳмад ака Карманада икки кишини ўзига хайрихоҳ деб билади. Бири Одил Ҳотам, яна бири Достон Мавлон. Одил ака домлага ўхшаган беозор инсон. Ўзи катта шоир бўлса ҳам ўзидан кичикларни сизлаб гапиради. Редакция остонасини ҳатлаб кирган одамнинг ҳурматини жойига қўяди. Ўша одам шеър ёзадиган бўлса янаям яхши. Одил Ҳотам у билан соатлаб суҳбат қилишга тайёр. Аҳмад Очил унинг ана шу фазилатини ёқтиради. Кўча-кўйда бўлса ҳам уни ярим соатга тўхтатиб «ижодий ҳисобот» беради. Одил Ҳотам ҳам эринмаган одам. Жимгина эшитаверади. Нима ҳам дердик. Ишқ. Ким қандай тушунади. Аҳмад ака бориб-бир бу ишқдан воз кечолмайди.

Ҳар кимнинг қувончли куни бўлади. Билишимча, Аҳмад ака учун газетада шеъри чиққан кун — энг қувончли кун. Домланинг сиёҳи қуриб битмаган шеърларини аввало «Навоий овози» газетаси ходимлари ўқишади. Ютуқ ва камчиликлари шу ерда муҳокама қилинади. Керак бўлса, таҳририятдан ҳам ўтказилади. (Фақат муаллифнинг рухсати билан). Шундан кейин бир овоздан босмахонага жўнатилади. Бундай пайтда Аҳмад ака севинчни яшира олмайди. Шеъри саҳифага чиққунча кутиб ўтиради. Баъзан муҳаррир Эргаш Ёқубовнинг ҳайрати ошади. Гап ташлайди.

— Домла, уйда мол-ҳолингиз йўқми? — деб сўрайди.

Аҳмад Очил беозор жилмаяди.

— Бор. Болалар катта бўлиб қолишган. Уларни қарайверишади.

Эргаш ака бошқа гапирмайди.

Нима ҳам дердик. Ишқ деганн ёмон бўлар экан. Бўлмаса пайғамбар ёшига бориб ҳам шеърдан кўнгил узолмаган Аҳмад Очилга нима азоб? Ҳозир одамлар кеча қандай шеър ўқидинг, деб бир-биридан сўрашмайди. Акснича, кеча бозорда гўштнинг нархи яна ошибди, деб аҳвол сўрайдиган бўлишган.

Домла ҳадисларда битилган қуйидаги сўзни ғоят қадрлайди: «Шеърда ҳикмат бор». Бу Аҳмад Очил учун сиғинадиган сўз. Шунинг учун ҳар куни шеър ёзади. Асосан унинг болаларга бағишланган шеърлари жуда кўп. Ҳозир Аҳмад ака тарихий мавзуларда шеърлар битмоқда. Уларнинг айримлари босилиб ҳам чиқди. Яқинда шоир билан учрашиб қолдик. Узоқ суҳбатлашдик. Шу орада ундан йўқолган велосипед ҳақида суриштирдим. Аҳмад ака қўл силтадн. Дарвоқе, домлада велосипед бўлгнч эди. Доим етаклаб юрарди. Ўтган йили ўша «такси» йўқолиб қолди. Бу ҳақда «Ватан» газетасида тўлиқ маълумот берилди. Шундан кейин ҳам велосипед топилмади. Аҳмад ака велосипеддан аллақачон умидини узган. Аммо шеърдан кўнгил узолгани йўқ.

Бу йил «Навоий овози» газетаси хайрли иш қилди. Аҳмад ака каби шоирларнинг шеърларини тўплаб, китоб ҳолига келтирди. Бундан домланинг боши осмонга етди. Бор-йўғи 5 минг нусхада чоп этилган китобчанинг ярмини сотиб олмоқчи. Нима дердик. Ишқ... Унга даъво йўқ.

Шоҳ Машраб бекор нола қилмаган:

Агар ошиқлигим айтсам...

Маҳмуд МАРДИЕВ.

Ойнаи жаҳонда кўринг

Душанба, 9. VIII

● УзТВ I
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Меҳнат — ижтимоий муҳофаза мезони».
18.40 «Тошкент». Телефильм.
10.50 «Оламни асранг».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 «Мустақиллик одимлари».
19.55 Эълонлар.
20.00 Телефильм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 «Анъаналар этади давом». Мусиқий кўрсатув.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 «Мустақиллик одимлари».
21.35 Ислоҳот ҳақида суҳбатлар.
21.45 В. Шекспир. «Кориолан». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
23.45 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II
10.30 «Ассалому алайкум» (такрор.).
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 «Миришкорлар».
20.25 «Билиб қўйган яхши».
20.45 «Таваккал Қодиров куйлайди». Фильм-концорт.
21.10 Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади.
21.25 «Тақдирнинг қўлингда». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»
4.55, 8.20, 14.20, 17.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби.
5.00 «Якунлар».
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
0.25 Еш томошабин театри. И. Тургенев. «Му-му». Ленинград Давлат академик Малий драма театрининг фильм-спектакли.
10.15 «Мавзу».
11.00 Янгиликлар.
11.20 «Гол».
* * *
13.00 Сув спорти турлари бўйича Европа чемпионати. Сув полоси. Хотин-қизлар. Финал. Сузиш. Англиядан кўрсатилади.
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Телемикст».
15.10 «Иш».
15.20 «Тедди Ракспининг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси (Англия).
15.45 Н. Римский-Корсаков. Гомардан прелюдия-кантата.
16.00 Епископ Василий (Родзянко) билан суҳбатлар. 18-кўрсатув.
16.15 «Иқболи кулганда».
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.25 «Мусиқий жилолар».
17.45 «Гол».
18.15 «Резонанс» студияси таништиради.
18.45 «Беш қиз Парижда». Олти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия (Франция, Швейцария, Германия, Италия телекомпаниялари ҳамкорлигида яратилган).
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Рус балетининг юлдузлари». Кўп серияли телевизион мусиқий фильм премьераси. 7-фильм.
21.30 «Спорт унк-энди».
21.45 «Янги студия» таништиради: «Джем-сейшн». Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 Телевизион меҳнат биржаси.
7.30 Ишбилармон кишилар даври.
8.00 Россияда бизнес.
8.30 Тонгги концерт.
8.45 «Москвадан гапирамиз».
9.25 «Эски кўҳна ленталар...».
9.55 Сув спорти турлари бўйича Европа чемпионати. Сув полоси. Эркаклар. Финал.
10.55 Хонаки экран. «Ёлғизларга ётоқхона ажратилади». Бадиий фильм.
12.20 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
12.45 Кундузги сеанс. «Қуролланган ва ўта ҳавфли». Бадиий фильм.
14.20 «Американинг ёввойи табиати». Кўп серияли телефильм премьераси.
14.50 Янгиликлар.
15.05 «Бола тилидан...».
15.35 «Лидия Русланова. Зое кетган беш йил». 1-кўрсатув (такрор.).
16.30 «Услуб».
*
17.00—19.05
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.05 Душанба куни детектив. «Лаки страйк» таништиради. «Қурол билан тунаш». «Криминал ҳодисалар» туркумидан.
20.00 «Ҳақиқат онлари».
*
21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
*
21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.25 Спорт кўрсатуви.
21.30 «Қутқариш хизмати-911».
22.25 Трансросэфир. «Европа—Осиё».
23.10 Тунги салон.

Сешанба, 10. VIII

● УзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Билиб қўйган яхши».
7.50 «Велосипед қочиб кетди». Мультфильм.
0.00 Мутахассис маслаҳати.
8.10 Эстрада концорти.
0.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
0.50 «Соғлом бўлай десангиз...».
*
9.00 «Насриддин Хўжандда». Бадиий фильм.
10.30 «Мустақиллик ва жаҳон тиллари».
11.00 «Саноатимиз одимлари».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Кичкинтой» устахонаси.
18.40 «Нилуфарнинг рақслари».
18.55 «Санъат оламида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 «Мустақиллик одимлари».
19.55 Эълонлар.
20.00 Дунё воқеалари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Бухоро Давлат филармонияси артистларининг концерти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 «Мустақиллик одимлари».
21.35 Ислоҳот ҳақида суҳбатлар.
21.45 «Ҳаёт учун хавфли». Бадиий фильм.
23.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II
18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
19.20 «Хоразм». Телефильм.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 «Дебют».
20.10 «Бумеранг».
20.50 «Муз устида». Телефильм.
21.20 Танго оҳанглари.
21.45 Эълонлар.
21.50 «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»
4.55, 14.20, 17.20, 23.35 —Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 Эрталабки гимнастика.
5.45 «Тонг».
0.00 Янгиликлар.
8.20 «Тингланг, томоша қилинг...».
0.40 Мультфильм.
8.50 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.35 «Инсон ва қонун».
10.05 «Сариқ дарё». Ун серияли телевизион илмий-оммабоп фильм. 3-серия.
11.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
11.20 Болалар учун фильм. «Петров ва Васечкинларнинг ажойиб ҳамда ғаройиб саргузаштлари». 1-серия.
12.25 «Мовий лампалар». Телефильм премьераси (Самара).
12.55 «Спрут-3». Етти серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
*
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Ишбилармон кишилар хабарномаси».
14.40 «Конверсия ва бозор».
15.10 «Ён дафтар».
15.15 «Тедди Ракспининг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси.
15.40 «Мактуб». Телефильм премьераси (Вятка).
16.00 «Қадрдон Бежин Луг».
16.10 «Стартинейджер».
16.50 «Технодром».
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали «Ҳоким ҳузурида меҳмонда. Татаристон Республикаси Президенти М. Шаймиев» кўрсатувини таништиради.
18.05 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
18.55 «Мавзу».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.20 «Останкино» хит-паради.
21.40 «Пепси» стилидаги мусиқа. Жексонлар. Америкача орзу». Беш серияли телефильм премьераси. 2-серия.
22.40 Ҳужжатли фильм.
23.00 Янгиликлар.
23.40 «Рок-н-ролл ТВ».
00.25 «Спрут-3». Етти серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 Телевизион меҳнат биржаси.
7.30 Ишбилармон кишилар даври.
8.00 «Ҳақиқат онлари».
* * *
11.00 Хонаки экран». «Улим зонаси». Бадиий фильм (АҚШ).
12.30 Мульти-пульти.
12.45 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.10 Россия телевидениесининг сара асарлари. «Оқ қарға».
13.55 «Мусиқа йирик планда».
14.40 Янгиликлар.
14.55 «Рост» студияси. «Яшил мактаб».
15.30 «Танаффус». Ника куйлайди.
15.40 Санъат майдони. «Санкт-Петербург» оркестри.
16.25 Ҳақиқат посбонлари. «Петербург қалби».
*
17.00—18.45
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.45 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 203-серия.
19.35 «Динозаврга айланмайлик».
19.50 Катталар учун мультфильм.
20.00 «Россияни қандай қилиб элақага келтириш мумкин?».
20.45 «Жаноблар-ўртоқлар».
*
21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
*
21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.30 «Ватаним менинг». Державин уйи.
22.00 Трансросэфир. «Қандай яшаяпсан, Уфа?».
22.45 «Грузия довони».
23.10 «Туғилган кунингиз билан ёки Орфейнинг қайтиши».

Чоршанба, 11. VIII

● УзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
7.40 Ёр ва диёр тароналари.
8.00 Дунё воқеалари.
0.10 «Қувноқ болалар».
0.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».
*
9.00 Республика газеталарининг шарҳи.
9.10 Болалар учун. «Оромгоҳлар қўйнида».
9.40 «Касбга меҳр». Тошкент коммунал хўжалиги ва қурилиш техникуми.
10.10 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
10.10 «Кичик корхоналарнинг катта истиқболи».
18.40 «Тадқиқот ва ҳамкорлик».
19.10 «Пахтакорларнинг долзарб вазифалари».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 «Мустақиллик одимлари».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Кабутарим». Телефильм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 «Улуғбек даври». Муҳаммад Тарағай Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 «Мустақиллик одимлари».
21.35 Ислоҳот ҳақида суҳбатлар.
21.45 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги олдидан. Замонавий ўзбек халқ қўшиқларининг «Анор» телевизион кўрик-танлови.
22.45 «Келин». Бадиий фильм.
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II
18.00 «Шуҳрат Йўлдошев ижро этади». Телефильм.
19.05 «Спринт».
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 «Тошкент: шаҳар юмушлари».
20.35 В. Моцарт. «Сеҳрли най» А. Навоий номли Ўзбек Давлат академик опера ва балет Катта театрида. Мавсум очилишига.
21.45 «Севги афсонаси». Бадиий фильм. 1-2-сериялар.

● «ОРБИТА IV»
4.55, 14.20, 17.20, 23.35 —Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 Эрталабки гимнастика.
5.45 «Тонг».
0.00 Янгиликлар.
0.20 «Домисолька».
0.40 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.30 «Савдо кўприги».
10.00 «Сариқ дарё». Ун серияли телевизион илмий-оммабоп фильм. 4-серия.
11.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
11.20 Болалар учун фильм. «Петров ва Васечкинларнинг ажойиб ҳамда ғаройиб саргузаштлари». 2-серия.
12.30 «Сирли ҳокимият...». Телефильм премьераси («Дентелефильм»).
12.55 «Спрут-3». Етти серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
*
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Телемикст».
15.10 «Ён дафтар».
15.15 «Тедди Ракспининг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси.
15.40 «Танишинг: «Юнипресс».
16.00 «Клуб 700».
16.30 «Телеёдномалар».
16.50 «Технодром».
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали «Ишонч ёрлиғи» кўрсатувини таништиради.
17.55 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
18.45 «Миниатюра».
19.00 «Кремль деворлари ортида».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
28.28 Футбол. Россия чемпионати. «Локомотив» (Нижний Новгород) — «Спартак» (Москва). Нижний Новгороддан кўрсатилади.
22.00 «93-йил авлоди». Биринчи Москва халқаро мусиқа фестивали.
23.00 Янгиликлар.
23.40 Санкт-Петербург эшакли марафони.
23.55 «МТУ».
00.55 «Спрут-3». Етти серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!
Профилактика муносабати билан чоршанба, 11 август куни «Дубль IV» кўрсатувлари соат 14.50 дан бошлаб намойиш этилади.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
14.50 «Услуб».
15.20 Трансросэфир. «Узоқ Шарқ».
16.05 «Лидия Русланова. Зое кетган беш йил», 2-кўрсатув (такрор.).
*
17.00—18.40
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.40 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 204-серия.
19.30 «Сиз яратган боғ».
20.05 «Бизнес ва сиёсат».
*
21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
*
21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.25 «Ксюша» ҳузурида.
21.55 «Қалбида эътиқод билан...».
22.25 «Шаҳарча».
22.50 Смоленскда авангардчилар фестивали.
23.25 Криминал хабарлар экрани.
23.35 «Винил чангалзорлари».

Пайшанба, 12. VIII

● УзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 Қўшиқ ва яллалар.
7.50 Шифокор маслаҳати.
0.00 «Дайди тўтининг қайтиши». Мультфильм.
8.10 «Танбур». Телефильм.
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
0.50 «Соғлом бўлай десангиз...».
*
9.00 Матбуот саҳифаларида (рус тилида).
9.10 Болалар учун фильм, «Қувноқ воқеалар».
10.35 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
10.50 Футбол. «Пахтакор-79». Хотира турнири. Финал. Репортаж.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
10.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. «Табиат алифбоси».
10.45 «Ёшлик» студияси. «Балоғат ёшида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 «Мустақиллик одимлари».
19.55 Эълонлар.
20.00 «Улоқ». Телефильм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Абдулҳай Каримов куйлайди.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 «Мустақиллик одимлари».
21.35 Ислоҳот ҳақида суҳбатлар.
21.45 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги олдидан. «Кўнгилда Ватан». Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидан тайёрланган кўрсатув.
22.45 «Оққўнгил кишилар». Бадиий фильм.
00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II
18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.05 «Шарқ лирикаси».
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Лавҳа.
20.00 «Тошкент оқшомлари».
21.15 Эълонлар.
21.20 «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»
4.55, 14.20, 17.20, 20.20, 23.35— Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 Эрталабки гимнастика.
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 Жаҳон халқлари ижоди. Ҳиндистон санъати.
0.50 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
9.35 «Боқий қуёш». Славянскдан кўрсатилади (Украина).
10.05 «Сариқ дарё». Ун серияли телевизион илмий-оммабоп фильм. 5-серия.
11.00 Янгиликлар.
12.55 «Спрут-3». Етти серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
* * *
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Телемикст».
15.10 «Ён дафтар».
15.15 «Тедди Ракспининг саргузаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси.
15.40 К. Дебюсси. Флейта, альт ва арфа ижроси учун соната.
16.00 Епископ Василий (Родзянко) билан суҳбатлар. 19-кўрсатув.
16.10 «Джем».
16.40 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.25 «...16 ёшгача ва ундан катталар» (давоми).
10.00 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси.
18.45 «Кинопанорама».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.25 Ёдда қолган фильмлар. «Катта опам». Бадиий фильм («Мосфильм», 1966 й.).
22.15 «Модалар афсунгари».
22.45 Халқ оҳанглари.
23.00 Янгиликлар.
23.40 «Орол». Экспериментал мусиқий кўрсатув.
24.00 «Спрут-3». Етти серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 Телевизион меҳнат биржаси.
7.30 Ишбилармон кишилар даври.
8.00 «Бизнес ва сиёсат».
8.55 Тонгги концерт.
9.10 «Маъқуллаймиз». Ёзувчи М. Мишин бенефиси.
10.25 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 204-серия.
11.15 Мульти-пульти.
11.40 «Сўнаётган юлдузми?».
12.10 Тула оҳанглари.
12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.15 Россия телевидениесининг сара асарлари. «Оқ қарға».
13.50 «Мусиқа йирик планда».
14.20 Янгиликлар.
14.35 «Рост» студияси. «Мусиқий синф».
15.05 Трансросэфир. «Варинсаж».
15.35 «Уз манзили».
16.05 «Терминал».
16.35 «Рапортёр».
16.50 Спорт кўрсатуви.
*
17.00—19.05
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.05 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм премьераси. 205-серия.
19.55 «Шундай биржа бор».
20.10 «Фортуна». Александр Малинин куйлайди.
*
21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
*
21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.25 «М-трест».
21.40 «Осойишта-уй».
22.35 «Осойишта уй» (давоми).
23.35 Криминал хабарлар экрани.
23.45 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида.

Жума, 13. VIII

● УзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Лўли». Телефильм.
7.50 Мутахассис маслаҳати.
0.00 Халқ ижодиёти.
8.20 «Леопард учун уй». Мультфильм.
8.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
0.50 «Соғлом бўлай десангиз...».
*
9.00 Болалар учун фильм. «Бор экан-да, йўқ экан...»
10.20 «Ёшлик» студияси. «Сенинг замондошинг».
10.50 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёшлик» студияси. «Ишонч».
10.55 «Замин саховати».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 «Мустақиллик одимлари».
19.55 Эълонлар.
20.00 Дунё воқеалари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 «Одобнома».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 «Мустақиллик одимлари».
21.35 Ислоҳот ҳақида суҳбатлар.
21.45 «Истеъдод». Маъмуржон Тўхтасинов.
22.45 «Ретро». «Тонг олдидан» бадиий фильмининг намойиши.
00.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.
17.00 АШГАБАТ КЎРСАТАДИ
● УзТВ II

● «ОРБИТА IV»
4.55, 14.20, 20.20, 23.35— Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 Эрталабки гимнастика.
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 Эртак ҳузурида меҳмонда. «Туш улашувчи». Телевизион бадиий фильм.
10.10 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан, такрор.).
10.50 «Шеърият альбоми». Осип Мандельштам.
11.00 Янгиликлар.
11.20 «Филча». Қўғирчоқ Катта театри фильм-спектаклининг премьераси (Санкт-Петербург, «Панорама» студияси).
12.25 «Колумб ва Леонардо». Ҳужжатли фильм премьераси («Экран», «Ченкофильм», Италия).
12.55 «Турмуш икир-чикирлари». Бадиий телесериал. 9 ва 10-сериялар.
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Бридж».
14.50 «Бизнес-класс».
15.05 «Ҳайвонот оламида». Режиссёр А. Зигурдни фильмлари. «Рикки-Тикки-Тави».
16.20 «Бизнинг мусиқий клуб».
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.20 Давлатлараро «Останкино» телеканали «Рус қайиғининг новдаси» кўрсатувини таништиради.
17.45 «Инсон ва қонун».
18.15 «Вагон-03».
10.45 «Мўъжизалар майдони».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Ҳафтанинг машҳур кишиси».
20.40 «Детективлар клуби»да. «Суини». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 7-серия.
21.40 «Телевидение: бугун ва эртага».
22.35 «Максима».
23.00 Янгиликлар.
«ВИД» таништиради:
23.40 «Авто-шоу».
23.55 «Х» программаси.
00.20 «Мен деярли машҳурман».

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 Телевизион меҳнат биржаси.
7.30 Ишбилармон кишилар даври.
8.00 Параллеллар.
8.15 «Осойишта уй».
9.10 «Сиз яратган боғ».
9.40 «Ҳайвонот оламида».
10.40 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 205-серия.
11.30 Мульти-пульти.
11.40 Михаил Таничнинг «Олтин диски».
12.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».
13.10 Янгиликлар.
13.25 «Рост» студияси. «Космос сабоқлари», «Азаматлар».
13.55 Жума кунлари Дисней. «Бўрсиқ билан гаплашган бола». Бадиий фильм. 2-серия.
14.45 Ҳужжатли фильм.
15.15 Россия телевизион театри. «Хотиралар».
*
17.00—19.45
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
19.45 Халқаро арман ансамблининг тузилишига бағишланган тантанали дўстлик концерти.
*
21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
*
21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.30 Спорт кўрсатуви.
21.35 «Трансросэфир».
22.05 Телеэкранда премьера. «Рок услубидаги фожиа». Бадиий фильм. 1-серия.
23.25 «Келинг, аниқлаб олайлик».
23.40 «Рок услубидаги фожиа». Бадиий фильм. 2-серия.

Шанба, 14. VIII

● УзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».
7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Қўшиқ билан бошланар тонгим».
0.00 Дунё воқеалари.
0.10 Шифокор маслаҳати.
0.20 «Бир куни саҳрода». Мультфильм.
0.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».
*
9.00 Республика газеталарининг шарҳи.
9.10 «Ёз кунларининг бирида». Бадиий фильм.
10.15 «Соғломлаштириш масканлари».
10.45 «Оналар мактаби».
11.20 Усмирлар учун. «Гўзаллик гулшани».
11.50 «Шоликорларнинг долзарб вазифалари».
12.20 «Ажойиб тақдирли кишилар». Азиз Ҳамидов таваллудининг 75 йиллигига.
12.55 «Ҳужжатли экран». Кинокўрсатув.
13.40 «Истиқлол куртаклари».
14.10 «Мерос». «Алпомиш» достони.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Санъат гунчалари».
18.30 «Илҳом лаҳзалари». Ҳайкалтарош Жўлдосбек Қуттимуродов.
19.00 Футбол майдонларида.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 «Мустақиллик одимлари».
19.55 «Учқур отлар». Телефильм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Сайёра Назирова куйлайди.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 «Мустақиллик одимлари».
21.35 «Мусиқа жавони».
22.25 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги олдидан. «Булоқлар кўз очганда». Самарқанд вилояти.
24.00 «Тунги ёғду». Дам олиш кинопрограммаси.

● УзТВ II
17.00 АШГАБАТ КЎРСАТАДИ.

● «ОРБИТА IV»
5.45, 7.30, 14.20, 20.20 —Кўрсатувлар тартиби.
5.50 Эрталабки гимнастика.
6.00 Мультфильм.
6.10 Ишбилармон кишининг шанба тонги.
6.55 Янгиликлар.
7.35 «Спорт-имконият».
8.05 «Марафон-15» таништиради.
0.30 «Эльдорадо».
9.00 Шанба куни дастхат.
9.30 Экологик кўрсатув.
9.45 Тиббиёт ҳамма учун.
10.25 «Мусиқа манбалари».
10.55 «Цирк галактикаси». Л. Енгибаров номли танлов.
11.45 «Ўтмишда». Бадиий фильм («Мосфильм», 1947 й.).
13.30 «Марказий экспресс». Европа тележурнали.
14.00 Янгиликлар.
14.25 «Монро ва Мадонна».
15.15 «Ҳокимият сиймоси».
15.30 «Шаҳзода ва Сув париси». Кўп серияли мультфильм премьераси.
15.55 «Иван йўли» гўзали». Алматидан кўрсатилади.
16.25 Композитор П. Аедоницкийнинг ижодий кечаси.
17.35 «Пул ва сиёсат».
18.05 Сизга аталган учрашув.
10.50 «Коламбия пикчерс» таништиради. «Хьюстон рицарлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 7-серия.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар.
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Коламбия пикчерс» таништиради: «Зангори ва кулранг». Телевизион бадиий фильм премьераси. 7-серия.
21.20 «Резонанс» студияси таништиради: «Каннан».
21.40 «Аншлаг. Аншлаг».
23.00 Янгиликлар.
«Сновиденна» тунги канали
23.35 «Овозалар». Юлдузлар ҳаётидан.
24.00 «Спорт».
00.20 «Тунги хит».
81.05 «Рок-программа».
01.25 «Эпитафия». Даҳшатли фильм (АҚШ).

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 «Оламга ўз кўзи билан қараш».
7.55 «Ҳали англанмаган коинот».
8.25 «Рост» студияси. «Гўзал қизлар», «Бизнинг «Аралаш».
8.55 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси.
9.40 Хонаки экран. «Изқувар». Бадиий фильм.
*
11.10—14.15
«ЎЗБЕКИСТОН» ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
11.10 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
11.20 Покистон Республикаси мустақиллиги куни.
12.05 «Безнен мирас» (татар тилида).
12.50 «Детективлар оламида. Англия».
13.25 «Рангинкамон» (тожик тилида).
14.00 «Бу турфа олам».
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
14.15 «Изабель». Дам олиш викторинаси.
15.00 Театр сафари. «Синов тоши», «Салтиков-Шчедрин» фестивали.
15.45 «Уз ишининг усталари».
*
16.30—18.15
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.15 Киноқисса. «Мени бахтли келажак сари чорла». Бадиий фильм.
19.50 «Фильм-премьер».
20.05 «Мутлақо махфий».
*
21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
*
21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.30 «К-2» таништиради. «Америка юлдузлари».
22.00 «Маски-шоу».
22.30 Спорт кўрсатуви.
22.35 Россия телевизион театри. «Шопен, 2-соната».
23.55 «Каунтдаун». Оммабоп куйлар янгиликлари.


Якшанба, 15. VIII

● УзТВ I
7.00 «Ассалому алайкум».
0.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
8.30 Болалар учун. «Тонгги салом».
9.00 «Маҳобҳорат». Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 28—29-сериялар.
10.30 «Қирқ ҳунар ҳам оз».
11.15 «Ёшлик» студияси. «Истиқлол гуллари».
11.45 «Иқтисодий ислоҳот — давр талаби».
12.05 Қўқон шаҳар «Сарвигул» ансамблининг концерти.
12.45 «Ватанпарвар».
13.25 «Шеърият дафтаридан». Тўлқин, Жўра Алимардон.
13.45 «Олий таълим истиқболлари».
14.20 Футбол. Ўзбекистон кубоги (ёзиб олинган).
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Ғаройиб бочка», «Сорбон — менинг ҳамроҳим». Мультфильмлар.
10.20 Усмирлар учун. «Уйла! Изла! Топ!».
19.10 «Унутилган ўйинлар». «Ўзбектелефильм» премьераси.
19.30 «Ҳафтанома» (рус тилида).
20.00 «Мустақиллик одимлари».
20.05 «Ойнаи жаҳонда...».
20.20 «Ҳордиқ». Дам олиш кўрсатуви.
21.00 «Ҳафтанома».
21.40 «Мустақиллик одимлари».
21.45 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллиги олдидан. «Булоқлар кўз очганда». Сирдарё вилояти.
22.45 «Операция «Ы» ва Шурикнинг бошқа саргузаштлари». Кинокомедия.
00.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II
7.00—12.00
* * *
17.00—23.30
АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

● «ОРБИТА IV»
5.40, 10.00, 21.45, 23.15 — Кўрсатувлар тартиби.
5.45 Эрталабки гимнастика.
5.55 «Руҳни чиниқтириш».
6.55 Янгиликлар.
7.30 «Авто-шоу».
7.45 «Технодром».
8.00 «Марказ».
8.30 «Эрта саҳарлаб». «Денвер — динозаврларнинг энг сўнггиси». Кўп серияли мультфильм премьераси.
9.00 «Ҳамма уйдалигида».
9.30 «Спортлото» тиражи.
9.45 «Тонг юлдузи».
10.35 «Ҳарбий ревю».
11.05 «Яна халқаро телевизион анжуман...».
11.35 «Детектив-ланд».
12.30 «Қишлоққа бобомникига...». Телефильм премьераси (Владикавказ).
«КТВ-I» ҳамда «Франс интарнасиональ» канали таништиради:
13.00 «Пиф ва Геркулес». Кўп серияли мультфильм премьераси.
13.10 «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси.
*
14.00 Янгиликлар.
14.15 «Саёҳатчилар клуби».
15.05 «Ҳуларли хор бўлмайди».
15.10 Мультфильмлар премьераси: «Каспер ва унинг дўстлари», «Ҳақиқий ажина овлоачилар».
16.00 «Саҳнада 50 йил». Арутюн Акопян.
16.20 Эфирда бевосита мулоқот.
17.00 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
17.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.05 «Халқ ижодиёти» студияси таништиради: «Гўзалликка таъзим қиламан».
18.50 Телеэкранда биринчи марта. «Шакти». Бадиий фильм (Ҳиндистон). 1 ва 2-сериялар.
20.55 Эълонлар.
*
21.00 «Якунлар».
21.50 Катталар учун мультфильм.
22.00 «Ультра-си». Спорт кўрсатуви. Енгил атлетика. Жаҳон чемпионати. Германиядан кўрсатилади.
23.08 Янгиликлар.
23.20 Валентина Готовцева дўстларини таклиф этади.
00.20 «Видеодром».

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 «Хайрли тонг!».
7.55 «Том». Ҳужжатли фильм.
8.15 Мульти-пульти.
8.25 «Фольклор».
8.55 «Рост» студияси. «Мусиқий синф».
9.25 «03» кўрсатуви.
9.55 «Ати-бати...».
10.25 Кипрас Мажейка. «Кичик Европадан репортажлар».
10.55 Миллий баскетбол уюшмасининг энг яхши ўйинлари.
*
11.55—15.55
«ЎЗБЕКИСТОН» ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
11.55 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
12.05 Ҳиндистон Республикаси мустақиллиги куни.
13.05 Шарқ оҳанглари.
13.50 «Манбалар».
14.35 «Дўстлик маршрутлари бўйлаб».
15.05 «Ўзбекистон ташқи иқтисодий бозорда».
15.40 «Бу турфа олам».
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.55 Диснейнинг сеҳрли олами. «Винни Пухнинг янги саргузаштлари», «Қора плащ».
16.45 «Ҳар бир кун байрам».
16.55 «Табиат ёдгорликлари». Телефильм.
17.25 Спорт кўрсатуви.
17.30 Си-Би-Эс кинотеатри. «Юпка муз». Бадиий фильм (АҚШ).
*
19.10—21.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.25 «Экзотика».
22.25 «А» программаси.



• *Тасаввуф*

«НАФСИНГНИНГ ЁМОНЛИГИНИ ТАНИШ ЎЗЛИКНИ ТАНИШДИР»

ТАНИҚЛИ ТАСАВВУФШУНОС ОЛИМ, ТИЛ ВА АДАБИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ НАЖМИДДИН КОМИЛОВ БИЛАН МУЛОҚОТ



— Нажмиддин ака, аввало, тасаввуф таълимотининг келиб чиқиш тарихи билан таништириб ўтсангиз.

— Шарқ халқлари тафаккурини асрлар давомида нурафшон этиб, маънавиятимиз ва маданиятимизга чуқур таъсир ўтказган мазкур таълимот VIII аср ўрталарида пайдо бўлган. Дастлаб у зоҳидлик ҳаракати кўринишида бўлиб, Бағдод, Басра, Куфа, Дамашқ шаҳарларида кенг ёйилди. Зоҳидлар қатъий парҳез ва тақводорликка риоя этганлар, кўплари дунё ишларидан буткул юз ўгириб, тоат-ибодат билан шуғулланганлар. Зоҳидлик («зоҳид» — «зуҳд» сўзидан келиб чиққан бўлиб, маъноси парҳез, вараъ демакдир) ҳаракати динни бойлик орттириш ва сиёсатга хизмат қилдиришга, аслзодаларнинг бузуқ ва нопок ахлоқига, ёлғон ва рнё-фитналарга қарши норозилик белгиси сифатида юзага келган эди. Зоҳидлар ислом асосларини ҳимоя қилган бўлсалар-да, лекин илоҳий ишқ-муҳаббат, қолсаверса, тариқат ва маърифат каби тушунчалардан бехабар эдилар.

Тасаввуф эса тавба-тазарру, тақво-парҳез билан бирга, руҳий-маънавий тафриду тажрид, яъни босқичма-босқич қалбни, ботиний оламни поклаш орқали, беҳудуд бир муҳаббат қудрати-ла буюк тангри васли сари интилиш демакдир. У ҳаққа ташна руҳнинг Ҳақ зиёсидан нурланиб, шу нур шуъласида эриб қўшилиб кетишини тарғиб этади. Бу йўлдаги амалий (тариқат) ва назарий (маърифат) қарашлар кейинчалик ишлаб чиқилди (Зуннун Мисрий, Абубоир Шиблий, Маъруф Корхий томонидан). Шайх-муридлик одоби жорий этилди, хонақоҳлар қурилди, силсилалар вужудга келди. Воқеан, тасаввуфнинг келиб чиқиши ҳақида гапирганда, ушбу атаманинг қаердан пайдо бўлганлигини ҳам баён этмоқ жоиз. Тасаввуф сўзи «суфий» сўзидан, «суфий» сўзи эса «суф» сўзидан вужудга келган. Суф деб араблар жун матони айтадилар. Дастлабки суфийлар жун чакмон (хирқа ҳам дейилган) ёки пўстин кийиб юришни одат қилганликлари сабабли, уларни шу ном билан атаганлар...

— Шу пайтга қадар кейинги авлод тасаввуф адабиётидан узилиб қолган эди. Уни «энг реакцион оқим» деб қоралаб келингани ҳам сир эмас. Шарқ адабиётининг билимдони Е. Бертельс эса: «Шарқ адабиётини тасаввуф оқимисиз тасаввур қилиш қийин» деган эди...

— Адабиёт тарихини тасаввуфни четлаб ўтиб ўрганиш мумкин эмаслиги кундай равшан эди. Хорижий шарқшунослар, Эрон, Туркия, Покистон, Ҳиндистон олимлари тасаввуф ҳақида жилд-жилд китоблар ёздилар, луғатлар, қомуслар яратдилар. Натижада уларда Шарқ маърифати ва маданиятининг ўзига хос тараққиёт йўли илмий-тарихий усулда ўрганилиб, бу борада катта ютуқларга эришилди. Шундай, Шарқ олимлари буюк адиб ва мутафаккирларимизнинг оламшумул ғоялари, илму ҳикмати, тафаккур ва санъати хусусиятларини муносиб баҳолай олдилар.

Лекин биз нотўғри мафкуравий сиёсат туфайли орқада қолиб кетдик. Динни, у билан боғлиқ тасаввуфни «жаҳолатпарастлик дейиш, шу йўлда ижод этган Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғонний, Юнус Ҳамро, Сўфи Оллоёр, Ҳувайдо, Сайқалий каби улуғ шоирлар меросини ўрганиш ман этилди. Лутфий, Навоий, Машраб, Огаҳий сингари сўфиёна — орифона ғояларни инсоний дард билан омухта ҳолда куйлаган алломаларнинг асарлари бузиб, сохталаштирилди. Тасаввуф ўзбек классик адабиётининг Юсуф Хос Ҳожиб ва Аҳмад Яссавийдан тортиб, XX аср бошларигача бўлган даврда нафсу назмда у ёки бу даражада ўз изини қолдирган.

Баъзи адибларда бу шариату тариқат ғоялари қўшилган ҳолда бевосита, баъзиларида эса дунёвий-мажозий тимсоллар, тимсол-рамзлар воситасида тарғиб этилди. Аммо, қандай усулда бўлмасин, тасаввуф буюк адибларимиз ижодининг асоси, ғоявий-мафкуравий йўналиши, гуманизмини белгилаб келганини унутмаслигимиз керак.

Назаримда, эндиги вазифамиз тасаввуф асосларини чуқур ўрганиш, арабий-форсий рисолаларни таржима этиб, чоп эттириш, тасаввуф истилоҳлари луғатини тузиш ва шу асосда адабиётимиз тарихини янги нигоҳ билан назардан ўтказишдан иборат. Шуни ҳам айтиш керакки, тасаввуфнинг тоифа силсилалари ҳам кўп бўлиб, шоир-ёзувчиларимиз у ёки бу тоифага мансублиги билан ҳам ажралиб туради.

— Тасаввуф тариқатларини тасаввуф йўналишлари деб таҳлил ҳам қилишади... Тасаввуф тариқатларининг амалга ошуви ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Тариқат деганда, баъзан бутун тасаввуф таълимоти (уни аҳли ирфон, аҳли тавҳид, аҳли ҳол, аҳли ваҳдат, аҳллуллоҳ ҳам деб юритганлар), баъзан тасаввуф ичидаги бирор йўналишни назарда тутадилар. Аммо, кейинги маънода кўпроқ тоифа ёки силсила — занжир сўзлари ишлатилиб келинган. Тоифалар шу тоифани асослаган йирик шайхларнинг номи билан аталган. Масалан: Боязид Тайфур Бистомий асослаган силсила Тайфурия, Аҳмад Яссавий тариқати Яссавия, Нажмиддин Кубро силсиласи Кубровия деб номланади. Ҳар бир йирик силсиладан, яна бир қанча янги шохлар ажралиб чиққан, Тоифалар орасидаги фарқлар кўп ҳолларда тариқат одоби расм-русумини бажаришда ҳар бир раҳнамо шайхнинг дунёқараши, ўз олдига қўйган мақсад-вазифаси, истеъдодининг йўналиши билан белгиланган.

Шиа ёки сунний мазҳабига мансублик, шариатга муносабат ҳам бунда аҳамият касб этгани, шубҳасиз. Масалан, Боязид Бистомий тариқати бўйича солиқ (илоҳ йўлига кирган йўловчи) ҳол мақомига кўтарилиб, беҳуш-беҳуд бўлмоғи керак. Шу ҳолатда илоҳият жамолини кашф этишга эришади, ўзлигини унутиб, мутлақ руҳга восил бўлади. Фано йўли, чинакам илоҳий ишқ йўли шу деб уқтиради. Боязид буни сукра (мастлик) деб номлайди. Зеро, ҳушёрлик асносида ақл ҳамда ақлий мушоҳада билан илоҳни англаш ва унга етишиш мумкин эмас. Илоҳ ғайб, ғайбни ғойиб бўлган вужуди — борлиғи, дунёни буткул унутган киши идрок эта олади. Бу қараш машҳур сўфий аёл Робиа Адавиянинг ишқ ақидаси билан кўшилиб, тасаввуфда фардий индивидуал илоҳсеварлик ғоясини асослади ва оташин орифона шеъриятни вужудга келтирди. Аммо, Боязиднинг якке ҳолда беҳуд бўлиб илоҳни кашф этиш ғоясини шайх Жунаид Бағдодий танқид қилиб, бу йўлнинг эл-улусга фойдаси кам: суқра мақомига етганлар ўзларини халос этдилар. Ҳолбуки, денгизга шўнғиган одам ундан гавҳарлар олиб чиқиб, бошқаларни ҳам баҳраманд этиши керак, яъни сўфий фанодан сўнг бақолик топиб, ўзгаларни маърифатдан баҳраманд эта олиши лозим, деб чиқади.

Ана шу икки йўналиш тасаввуфнинг кейинги тараққиётига кучли таъсир этди. Мансур Ҳаллож, Шайх Форомадий, Фаридуддин Аттор, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Румий, Боязид Бистомий унинг тарафдорлари эдилар. Улар вақдат, яъни инсон руҳининг вужудзиндонидан, моддий олемдан қутилиб мутлақ руҳга қўшилиши мумкинлигини баён этадилар. Олам ягона мутлақ руҳнинг бир бўлаги — Куллнинг жузви. Шунинг учун инсон руҳи тараққий этиб поклана бориб, камол топиб Мутлақ руҳ даражасига кўтарилгач, у ҳам Ҳаққа айланади. Мансур Ҳаллож шу эътиқод ишқида ёниб, беҳудлик жазаваси пайтида худога етишди, «мен ҳам ҳақмен!» («анал-ҳақ») деб хитоб қилади. Аммо, буни ҳар ким турлича тушуниб, мазкур даъво ранг-баранг талқинларга сабаб бўлди. Авом ва зоҳирбин муллолар назарида бу аллоҳ ягоналигига ширк келтириш бўлиб туюлган. Шу боис, улар Мансурни кофир, дея эълон қилиб, ўлимга ҳукм этганлар. Тасаввуф бундан бошқа қурбонлар ҳам берди...

Аҳмад Яссавий «Қуръон» ҳикматлари, ҳадислар мазмунини ва тасаввуф ғояларини қўшиб куйлаган. Уни инсофу адолат, ҳалоллик ва тўғриликни орифлик, ошиқлик, хилват ва узлат билан боғлаган. У биринчи бўлиб тасаввуф ғояларини туркийлар орасига ёйиб, нафс ва худбинлик каби кўпгина ёмон иллатларни қаттиқ танқид қилди. Нажмиддин Кубро кашфу-каромат, валийлик рутбасини баланд кўтарган бўлса, Баҳовиддин Нақшбанд зикр тушишга алоҳида эътибор бериб, ботинда Ҳақ билан, зоҳирда халқ билан бўлиш, яъни суҳбат орқали маърифат ғоялари, илоҳий сиру асрорни кашф этиш, касбкор билан шуғулланиш тамойилларини илгари суриб, тасаввуфни ҳаёт билан яна яқинлаштирди, илоҳсеварликни инсонсеварлик билан омухта этди. Аммо, шуниси борки, силсила ва тоифалар қарашлари, одоб-қоидаларда фарқ мавжуд бўлса-да, бироқ бош масалада барча якдил эди.

— Дунё муҳаббати ва илоҳ муҳаббати тасаввуфда бир-бирига зид икки оқим, икки қутб. Дунёни деган киши илоҳ муҳаббатидан, илоҳни деган киши дунё муҳаббатидан юз ўгириши керак. «Социалистик реализм» ҳиди аниқиб турган китобларни ўқиб катта бўлган бизнинг китобхонларимиз бу каби тасаввуфона ҳаётни қабул қила олармикин?

— Фақат «Социалистик реализм» ҳиди аниқиб турган китобларни ўқиб тарбияланган бизнинг китобхонларимиз эмас, балки тарихда ҳам бу ғояни «ҳазм» қилишолмаган. Умуман олганда, бу тасаввуфдаги таркидунёчилик назариясидан ҳосил бўлди, мазкур ғоя ислом дини томонидан ҳам маъқулланмаган. Чунончи, будда ва насроний динларида роҳиблик, яъни зоҳидлик бор. Исломда эса бу рад этилган. Банда Аллоҳ ато этган неъматлардан истеъмол этиши лозим, дейилади. Бироқ «Қуръон»да дунёнинг бевафолиги, фонийлиги, унга ҳаддан зиёд меҳр қўйиш мўъминларга ярашмаслиги ҳам таъкидланади. Модомики, дунё ўткинчи, бевафо экан, нега унга кўнгил боғлаш керак? Фоний нарса муҳаббатга арзимайди.

Фақат боқий аъмолларгина муҳаббатга лойиқ. Абадийлик — бу тангри таолло. Шунинг учун бутун севгимиз унга қаратилмоғи даркор — бу биринчидан. Иккинчидан, дунё — моддийлик, нафс тимсолидир. Чунки, тасаввуф таълимоти бўйича инсон руҳини илоҳиётдан вужуд ва дунё ажратиб туради. Дунёга меҳр қўйиш кишини нафсига қул қилиб қўяди. Чунончи, Хўжа Ҳофизнинг айтишича, шоҳлар, ҳокимлар дунё қули, дунё муҳаббати улар кўнглидан жой олган.

Хасис кишини ҳам шулар сирасига киритиш мумкин. Дарвеш эса, айтиб ўтганимиздай, нафсни рад этади, Нафс барча фалокатлар сабабчиси, инсонни инсонликдан чиқарувчи, ҳайвон қадар тубанлаштирувчи (ҳайвон фақат нафси билан овора) нарса. Инсонни қутқариш, уни поклашнинг бирдан-бир йўли нафсининг талабларини енгишга боғлиқ. Уларнингча, дунёга бўлган муҳаббатдан воз кечиш ва илоҳ муҳаббатига кўнгил боғлаш лозим.

— Бу таркидунёчиликми!

— Йўқ, бу дунё моҳияти ва ўзликни, инсонийликни англаш, холос.

— Машҳур сўфий Ҳасан Басрий: «Кимки ўз раббини танисе уни севади, кимки дунёни танисе, ундан воз кечади», дейди. Бу шахс фожиасига ўхшаб кетади...

— Ҳа, албатта, ўзини англаб етган одам дунё ва унинг гўзалликлари вақтинчалик восита эканлигини англаб етади. Баҳовиддин Нақшбанд: «Ўз нафсингнинг ёмонлигини таниш ўзлигингни танишдир», —дейдилар...

— Аммо асосийси нимада!

— Асосийси — одамнинг инсонийлик моҳиятида, инсонийлик моҳиятн пок ахлоқимиз, руҳий-маънавий юксалишимизда. Дунёга муносабат ҳам шундай бўлмоғи даркор. Биз сўфийларнинг ҳаёт тарзини қабул қилолмасак-да, лекин уларнинг ахлоқини қабул қилишимиз лозим. Тасаввур қилинг, ҳозирги пайтда ҳалоллик, ростгўйлик, виждон билан яшаш қанчалар зарур ва айни чоғда қанчалар мушкул! Лекин, орамизда ҳалол одамлар йўқ эмас, шунинг учун ҳаёт гўзал!

— Тасаввуф моҳиятини англаб етиш осон эмас, албатта. Эндиги адабиётимиз тасаввуф ғояларидан баҳраманд бўлар...

— Тўғри, тасаввуфнинг моҳиятини англаш осон эмас. Шу каби тасаввуфий адабиётни ҳам. Кўпдан-кўп рамз-символлар, тагдор иборалар бор. Навоийнинг битта ғазалини шарҳлаш учун ўнлаб қоғозларни тўлдириш керак бўлади. Бунинг устига, тасаввуф ўзида руҳият ва башорат илми, фалсафа, дин ва бошқа соҳаларни ҳам қамраб олади. Ҳозир кекса адабиётшуносларимиз билан бир қатор ёшларимиз ҳам тасаввуфни ўрганишга чуқур киришдилар. Фақат бу ерда бир нарсани таъкидламоқчиман — мураккабликдан қўрқмаслик керак!

Биз адабиётшуносликни ривоятхонлик ёхуд сюжетни ҳикоя қилиб бериш деб, англаб келдик, кўпинча. Осон йўлдан бориб, адабиётшуносликни бир қадар обрўсизлантирдикми, дегим келади. Адабиётни, айниқса, мумтоз адабиётни англаш анчайин диққат, тафаккурий меҳнатни талаб қилади. Дин, тимсоллар моҳиятини идрок этсак, завқимиз ўн карра ортади. Битта сўз ёки ибораннинг маъносини кашф этган куним мен учун улуғ байрам. Мен шу завқимни талабаларим, шогирдларим билан баҳам кўраман, улар билан тасаввуф мавзуларида, шеърият ҳақида мириқиб суҳбатлашиш менга ҳузур беради. Тасаввуф — улкан маънавий хазина бўлибгина қолмасдан, у кишини поклайди, тасаввуфга ошно бўлинг. Атоқли шоир Бобо Тоҳир «Тасаввуф — ўлими йўқ ҳаёт ва ҳаёти бўлмаган ўлимдир, яъни инсоний ҳаётда тирилиш, нафсоний ҳаётда ўлиш», — деган экан.

Ўлжабой ҚАРШИБОЙ суҳбатлашди.

• *Хотира*

Биринчи мушакбозлик

ҚАЧОН ВА НИМА ШАРАФИГА БЎЛГАНИНИ БИЛАСИЗМИ?

БИЗНИНГЧА, бу ҳақда кўпчилик аниқ маълумотларга эга бўлмаса керак. Бу ҳақда Улуғ Ватан урушининг иккинчи гуруҳ ногирони, Курск Ёйидаги ҳаёт-момот жанглари иштирокчиси Исомиддин ота ЭРБЎТАЕВ ҳикоя қилади.

СТАЛИНГРАД жангларида Рейхстаг ҳарбий кучларининг бир қисми ер билан яксон қилингач, Гитлер 1943 йил ёзги ҳужумга алоҳида тайёргарлик кўра бошладн. Энг қулай, стратегик жиҳатдан фашистлар учун аҳамиятли бўлган Курск Ёйи танланди. Чунки ўша пайтда Ёй ичига кирган Курск шаҳри бизнинг қўлимизда бўлса ҳам орқа томонимизга яқин бўлган жанубда Орел, шимолда Белгород шаҳарлари гитлерчнлар қўлида эди. Яъни бизнинг армияларимиз Ёйнинг нчида, фашистлар эса ташқарисида жойлашган эдилар.

Гитлернинг Курск Ёйидаги «Цитадель» операциясидан мақсади бу Ёй ичида мудофаада турган Марказий ва Воронеж фронтларини қуршовга олиб, уларни бутунлай йўқ қилиш, жанубий-ғарбий фронтга ҳужум бошлаш ва мамлакат нчкарнси томон юриб, жанубдан Москвага хавф солиш эдн.

1943 йил июль ойининг бошида Курскга қарши 50 дивизия, шундан 16 таси танк ва моторлаштирилган, 2 танк бригадаси, 3 та алоҳида танк батальони, 8 та турли танк дивизионлари, 10 минг замбарак, миномет, 2700 танк, бир миллионча солдат қўйилган эди. Гитлер генераллари янги танкларга жуда ншонишганди.

Гитлер ҳужумни 5 июлга ўтар кечасига белгилади. Буйруқда шундай дейилган эди: «Солдатлар! Сиз бугун бошлайдиган катта ҳужум урушнинг тақдирини ҳал қилади. Дунёда немис армиясига қарши турадиган куч йўқ эканлигини кўрсатинг! Сиз берадиган улкан зарба бугун тонгда советлар армиясини ер билан яксон қилиб, таг-томири билан йўқотиши керак. Ва сиз шуни билингки, ҳамма нарса бу жанглардаги ғалабага боғлиқ!»

Г. К. Жуков бошлиқ совет қўмондонлиги ҳам тегишли режаларни тузиб қўйган эди. Чунки, 5 июль тонгида бошланадиган ҳужум уларга ҳам маълум эди. Танк ва самолётларнинг шовқинлари, немис солдатларининг кайф-сафо қилиб юришлари ҳадемай ҳужум бошланишидан дарак берарди. Ҳатто разведкачиларимиз ушлаб келган немис офицери керилиб, эрта тонгда бутун Курск Ёйи бўйлаб ҳужум бошлаймиз, сенларни омон қўймаймиз, дейнши ҳам ҳужум 5 июль тонгда бошланишини тасдиқларди.

5 июлга ўтар кечаси ҳеч ким ухламади, аммо ўта тинчлик сақланарди. Бизникиларнинг доно стратегняси шундан иборат бўлдики, кечаси соат 4 да узоққа отадиган бутун қуроллардан артконнада бошлаб юборилди. Мен 4-гвардия танк қўшинлари тизнмига кирадиган 1-ўзнюрар замбарак полкида взвод командири эдим. Ҳар бир замбаракдан 100 тагача снаряд отишга буйруқ берилган. Атрофга қарасангиз, гўё ер ёрилиб, қаъридан осмонга олов учарди, ҳамманинг қулоғи кар, имо-ишора билан иш қилинади.

Немис томонда аҳвол қандай бўлди. Кундузи ҳужум кайфияти билан юрган офицерлар кечга томон ичишган, ярим кечагача ашулалар айтишиб, донг қотиб ухлаб ётган бир пайтда тўсатдан минглаб снарядлар, бомбалар, миналар уларнинг бошига ёғилади. Штаблар, коммуникациялар, жангсзар тартнб, қурол-яроғлар ишдан чиқади. Соат 8 да бошланадиган ҳужум барбод бўлади. Аммо бу ҳақда немис қўмондонлиги Гитлерга билдиримайдн ва шошилинч равишда кучларни йиғиштириб, Орел, Белгород томондаги тор фронт бўйлаб соат 11 ларда ҳаёт-мамот жангига кириширди. Жуда катта талафот эвазига 12 июлгача жанг қилиб, қисман олға силжиди. 12 июль куни фашистлар ҳужумни тўхтатилди ва ташаббус бизнинг қўлимизга ўтиб, ҳаракатдаги фронтларимизнинг ҳаммаси қарши ҳужум бошлади. Бизнинг 4-гвардия танк армнямиз Волхов шаҳри томондан Орел шаҳрини озод қилишга буйруқ олди. Асосий вазифа — Орел — Карачев — Брянск темир йўлини кесиш, фашистларнинг Орел шаҳридаи чекинишига тўсқинлнк қилиш. Бу вазифа бажарилди. 4 август куни танк қисмлари шаҳарга кириб борди. 5 августда шаҳар фашистлардан тозаланди, озод қилинди.

Худди шу кунн яна бир стратегик аҳамиятга эга бўлган Белгород шаҳри ҳам қўлга олинди. Кечқурун соат 9 да Москва замбараклардан 30 марта ўқ отиб, ғолиб қўшинларимиз шуҳратига Ватан уруши тарихнда биринчи маротаба мушакбозлик қилди. Мана, 50 йилдирки, ўша мушакбозлик тартиби давом этмоқда. Зеро, буюк бобокалонимиз Темур замонида ҳам ғалабалар, ғолиблар шаънига карнай-сурнай, ноғора садолари янграган.

Бизнинг 4-гвардия танк қўшинлари армияси 1943 йилнинг май ойида Москва яқинидаги Загорск шаҳрида ташкил этилганди. Яқинда армиямизнинг 50 йиллик юбилейн муносабати билан бўлган учрашувда қатнашиб келдим. Қуролдошларни кўрдим, ўша дашатли йилларни эслашдик. Ўтганларни хотирлашдик. Биз ўзюрар замбарак полки бўйича ўзбеклардан икки киши эдик, холос. Убай ака Орифов полк бўйича радиоалоқа нишлари бошлиғи эди. Полкдошлар билан у кишининг хотирасини ҳам ёдга олдик. Уруш йилларидаги олийжаноб фазилатлари ҳақида дўстлар кўп яхши гаплар айтишди. Убай ака уруш бошланишида САГУда физика ўқитувчиси бўлган. Ихтиёрий фронтга кетган. Москва остонасидаги жангларда алоқачи бўлган елкасидаги симғалтак билан олдинги линияни алоқа билан таъминлаган. Биз 1943 йил май ойида ўша Загорскда танишдик. У киши урушдаи сўнг академик, Академиянинг президенти даражасига етди. Хушфеъл, билимдон инсон эди. У киши билан Москва остоналаридан Днепргача бирга бордик. Умрларининг охиригача кўришиб турдик.

А. ЙЎЛДОШЕВ
ёзиб олди.

ХАБАРЛАР

ОЛТИН ОЛМА, ДУО ОЛ

«ВУХОРО» нашриёти тарих фанлари номзоди Наравулло Йўлдошевнинг «Баҳоуддин Нақшбанд» китобини босмадан чиқарди.

АСАРДАН тасаввуф оламининг даҳоси ҳаёти ва фаолияти, у киши ҳақидаги ривоятлар ўрин олган.

Шуниси диққатга сазоворки, олим мазкур рисоласидан тушган қалам ҳақи (13 минг 423 сўм)ни Баҳоуддин Нақшбанд тарихий обидасини таъмирлашга ўтказади.

ИЗЛАБ ЮРИШМАЙДИ

ПЕШКУ туманидаги «Агрокоммуҳқурилиштаъмир» ҳўжаликлараро корхонаси аҳолига зарур бўлган 40 хил халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

ЭНДИ одамлар эшик, дераза, бетон пойдеворлар, тўсиқлар ва бошқа уй-рўзғор буюмларини излаб узоқларга боришмайди. Бу иш корхонага ҳам, харидорга ҳам манфаатли бўлмоқда.

М. ОТАВОЙ,
«Халқ сўзи» мухбири.



ЖИЗЗАХДАГИ 20-автосаройга «Белде» фирмаси машиналари келтирилди.

СУРАТЛАРДА: корхона директорининг муовини Пўлат Комилов билан ҳайдовчи Тўйчибой Жўраев янги автобусларнинг афзалликлари хусусида фикрлашмоқда; «Белде» фирмаси автобуси йўлда.

Б. ТУРАЕВ олган сурат (ЎзА).



ЎЗИГА ХОС МУКОФОТ

НУКУС шаҳридаги ўғил болалар лицейида ўқув йилини энг яхши кўрсаткичлар билан якунлаган 26 нафар ўқувчи ўзига хос мукофот билан тақдирланди. Улар лицей маъмурияти томонидан бир ойга Туркия мамлакатида сайр қилиб, дам олиб қайтиш учун жўнатилди.

Саёҳатчилар Туркиянинг Анқара, Истанбул, Измир каби катта шаҳарлари, у ердаги лицей ўқувчилари ҳаёти билан танишадилар.

М. АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МИРЗАОБОД туманидаги «Москва» давлат хўжалигида яшовчи болаларнинг қувончдан боши кўкка етди.

УЛАР мустақилликнинг икки йиллигини янги мактабда нишонлайдиган бўлишди. Бугунги кунда пардозлаш ишларини олиб бораётган қурувчиларнинг қўли-қўлига тегмаяпти. Муҳим ишнинг ўз муддатида битишига ҳўжалик меҳнаткашлари ҳам ҳиссаларини қўшишмоқда. Янги мактаб атрофи ҳашар йўли билан тозаланиб, тартибга келтирилмоқда. Иш шу тартибда кетса улуғ байрам куни биринчи қўнғироқ чалиниши аниқ.

ЯНГИ БИНОДА БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҚ

Т. АВДУРАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«Ўқитувчи» нашриёти жамоаси «Чўлпон» нашриётининг директори Нурали Қобул (Холбўтаев)га отаси

Холбўта ҚОБУЛОВИЧ ҚОБУЛОВ-

нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладн.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари муҳаррирнятлари жамоалари бўлим муҳаррири Р. Фарҳодийга волидаси

Нунжия Қаюмова РАҲИМОВА-

нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг жамоаси бош муҳаррир ўринбосари Л. Н. Пакга опаси

Наталя Николаевна ПАК-

нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Иқтисод ва ҳисобот» журнали жамоаси таниқли ёзувчи, «Чўлпон» нашриёти директори Нурали Қобулга падари бузруквори

ХОЛВЎТА ота-

нинг 67 ёшида бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ, Эсиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эрнин ВОҲИДОВ, Миракмал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ, (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲЁЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚОРАБОЕВ, Сандақгор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров, навбатчи — Ю. Бекмуродов.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 0001. Буюртма Г—496. 96096 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А — 2. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди 23.00

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6